



“ОИЛА ВА ГЕНДЕР”
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Х.Сайдивалиева, С.Марипова, С.Алимов, Р.Исамутдинов

МАҲАЛЛАДА ОИЛАВИЙ МЕДИАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Қўлланма

“Mahalla va oila” nashriyoti
Toshkent – 2024

УЎК: 352.071(575.1)+316.36(575.1)

КБК: 60.56(5Ў)

М 37

Сайдивалиева Х., Марипова С., Алимов С., Исамутдинов Р.

Маҳаллада оилавий медиацияни жорий этиш бўйича методик тавсиялар.
[Матн] / Х.Сайдивалиева, С.Марипова, С.Алимов, Р.Исамутдинов. – Тошкент:
"Mahalla va oila" нашриёти, 2024. – 60 б.

Масъул муҳаррир:

Н.Эгамбердиева - педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

О.Мусурмонова – педагогика фанлари доктори, профессор

М.Халикова – филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур қўлланма оилавий низоларни ҳал этишнинг муқобил турларини, хусусан оилавий медиацияни маҳалла даражасида қўллаш масалаларига бағишланган. Қўлланмада оилавий низо тушунчаси, уларни келишувлар асосида ҳал этиш йўллари, оилавий медиациянинг асосий тамойиллари ҳамда афзалликлари ёритиб берилади.

Ушбу қўлланмадан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тизими мутасаддилари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари, маънавий-маърифий ишлар бўйича тарғиботчилар, ушбу соҳа бўйича тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик методик манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Оилаларни мустақамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-401-сон қарори билан тасдиқланган Йўл харитаси 43-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

"Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институтинингдаги-сонли Илмий кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9917-1-4

© "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти, 2024

© "Mahalla va oila" нашриёти, 2024

КИРИШ

Ўзбекистонда замонавий тенденциялар ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашувида оила институтининг устувор мавқеи ва ўрнини мустаҳкамлаш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Жамиятда оилавий муносабатлар маданиятининг пасайиши ва анъанавий қадриятларга нисбатан оила аъзоларида янгича муносабатнинг шаклланиши унинг мазмун-моҳиятига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Оилада тинчлик, оила аъзоларининг ўзаро бир-бирларига меҳр оқибат ва муросали бўлишлари, ҳурмат ҳамда эътиборни сақлаб қолиш, шунингдек, келажак авлодни тарбия қилишда оиладаги соғлом муҳит бирламчи зарурат ҳисобланади. Оилаларда соғлом ижтимоий маънавий муҳитни таъминланишида ва оила аъзоларининг бир-бирларига ўзаро ижобий ҳис туйғулар замирида муносабатда бўлишларида тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудки уларни бартараф этишда муқобил усулларни қўллаш зарурати вужудга келмоқда.

Бу ўз навбатида оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсирини ўтказиб, шахслараро муносабатларни мазмун моҳиятини ҳам ўзгартириб бормоқда. Оиланинг анъанавий модели оилавий муносабатлар субъектларининг ўзаро ишонч ва тушуниш, ҳаё ва меҳр оқибат ришталари билан боғланганликни талаб этган бўлса, бугунга келиб унинг ўрнини индивидуаллик, мустақиллик ҳамда ўзаро манфаатдорлик тамойиллари эгалай бошламоқда.

Шу ўринда оилавий низолар масаласи ҳамда уларни оила аъзолари томонидан ҳал этилиши, келишилиши ёки бошқа сўз билан айтганда низоларни ҳал этиш маданиятининг етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Сўнги йилларда оилавий низолар шахсий қадриятлар ва мақсадлардаги фарқлар, нотўғри тушуниш ҳамда келишмовчиликларни олиб келиши мумкин, улар кўпинча аралашувни талаб қиладиган жиддий муаммоларга айланиши мумкин. Бундай низоларни суд орқали

ҳал қилишнинг анъанавий усули кўпинча узоқ, ҳаражатли ва барча иштирокчилар учун нохуш ҳолатларни юзага келтиради. Шу ўринда оилавий медиация - ўзаро мақбул ечимларга эришиш ва муносабатларда уйғунликни сақлашга қаратилган низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули ўз ахамиятини кўрсатади.

Оилавий медиация - бу бетараф воситачининг низоли томонларга келишувга эришишга ёрдам берадиган жараёндир. Медиациянинг асосий мақсади очиқ ва конструктив мулоқот учун шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлиб, бу иштирокчиларга барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мақбул ечимларни мустақил равишда топиш имконини беради. Медиация нафақат ҳозирги низоларни ҳал қилишга ёрдам беради, балки мулоқот кўникмаларини ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш орқали келажақда уларнинг пайдо бўлишининг олдини олишга кўмаклашади.

Мазкур қўлланмада маҳаллаларда оилавий низоларни ҳал этишнинг муқобил тури ҳисобланмиш медиацияни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллада фаолият олиб бораётган мутасаддилар, хусусан, маҳалладаги хотин-қизлар фаолларининг мазкур йўналишда эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар ёритиб берилган. Ушбу қўлланмадан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тизими мутасаддилари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари, маънавий-маърифий ишлар бўйича тарғиботчилар, ушбу соҳа бўйича тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик методик манба сифатида фойдаланиши мумкин.

1. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ

Оилада тинчлик, оила аъзоларининг ўзаро бир-бирларига меҳр оқибат ва мурасали бўлишлари, ҳурмат ҳамда эътиборни сақлаб қолиш, шунингдек, келажак авлодни тарбия қилишда оиладаги соғлом муҳит бирламчи зарурат ҳисобланади. Оилаларда соғлом ижтимоий маънавий муҳитни таъминланишида ва оила аъзоларининг бир-бирларига ўзаро ижобий ҳис туйғулар замирида муносабатда бўлишларида тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудки уларни бартараф этишда муқобил усулларни қўллаш зарурати вужудга келмоқда.

Ўзбек жамиятида оилавий муносабатлар ўзига хос ҳусусиятларга эгаки, унда анъанавий, ўзбек маданиятини ўзида акс эттирган, жамоавийлик принципларини сақлаб келатган миллий ўзбек оиласининг қиёфасига қайинота ва қайинона, эр ва хотин, фарзандлар, шунингдек, овсинлар, қайинопа, қайинсингил ва қайинака, қайинукалар ўз ўзидан амма, хола, тоға ҳамда амакилардан ташкил топган жамоанинг ўрни бор. Зеро, ўзбек жамияти учун бундай кўринишдаги ахил ва фаровон жамоавий оила қиёфаси доимо рағбатлантирилиб, обрў-эътибор қозониб келган. Миллий ўзбек оиласини жуда кам ҳолатларда фақат эр ва хотин кўринишида кўрамиз. Мана шу ҳусусиятларнинг мавжудлиги бизни оилада ҳурмат ва меҳр оқибат, ҳаё, инсоф ва диёнат ҳислатларини узвий давомийлигини сақлашга ундайди. Қариндош уруғчилик муносабатларини кенгайтириб, ўзига хос ижтимоийлашув кўринишларини намоён қилади.

Бугунги кунга келиб мазкур анъанавий кўринишдаги оила моделидан янги оила моделига ўтиш, оилавий қадриятларнинг трансформацияси жараёни кузатилмоқда. Бунга бир қатор омиллар ўз таъсирини ўтказиб келмоқда, Жумладан, бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талаблари, меҳнат миграцияси, иқтисодий интеграция, ахборот-коммуникация технологияларининг тараққий этиши ҳамда глобал Интернет тармоғининг кенг тарқалиши кабилардир.

Бу ўз навбатида оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсирини ўтказиб, шахслараро муносабатларни мазмун моҳиятини ҳам ўзгартириб бормоқда. Оиланинг анъанавий модели оилавий муносабатлар субъектларининг ўзаро ишонч ва тушуниш, ҳаё ва меҳр оқибат ришталари билан боғланганликни талаб этган бўлса, бугунга келиб унинг ўрнини индивидуаллик, мустақиллик ҳамда ўзаро манфаатдорлик тамойиллари эггалай бошламоқда.

Шу ўринда оилавий низолар масаласи ҳамда уларни оила аъзолари томонидан ҳал этилиши, келишилиши ёки бошқа сўз билан айтганда низоларни ҳал этиш маданиятининг етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига асосан, 2023 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажрашишлар сони 49,2 минг бирликни ташкил этиб, ҳар 1000 кишига нисбатан олганда 1.4 промилле¹ни намоён қилган. Шундан шаҳар жойларида 29,9 мингтани, (60,7 %), қишлоқ жойларида 19,3 мингтани (39,3 %) ташкил этди. Никоҳдан ажрашганларнинг 50,0 % фарзандсизлар, 27,7 % 1 нафар фарзандликлар ва 22,3 % 2 ва ундан кўп болаликлар ташкил этди. Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши эркаклар учун 37,2 ёшни, аёллар учун 32,8 ёшни ташкил этган. Никоҳдан ажрашганларнинг энг катта улуши 35 ёшгача бўлган ажралаётган аёлларга тўғри келган, яъни жами никоҳдан ажрашганларнинг 62,5 %ини ташкил этган. Худудлар бўйича никоҳдан ажралиш коэффициенти энг юқориси Тошкент шаҳрида 2,1 промилле, Сирдарё вилоятида 1,7 промилле, Андижон ва Тошкент вилоятида 1,6 промилле, энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида Қашқадарё вилоятларида 1,0 промиллени ташкил этган.

Инсоният жамиятига хос бўлган кўплаб ижтимоий қарама-қаршилиқлар орасида оилавий келишмовчиликлар муҳим ўрин тутди. Оила ҳаёти турли хил объектив ва субъектив омилларга дучор бўлиб, улар тарих, иқтисод, социология, психология, ҳуқуқшунослик каби фанларнинг турли соҳаларида батафсил ўрганилади.

Ижтимоий ҳаётда, шахслараро муносабатларда айрим алоҳида низолар, ўзаро келишмовчиликлар бўлиб туриши муқаррар. Одатда,

¹ Промилле – бирор кўрсаткични ҳар 1000 аҳоли сонига нисбатан ҳисобланиши.

низо деб, қарама-қарши йўналган қарашларга, нохуш ҳиссий кечинмалар билан боғлиқ гуруҳлараро ёки шахслараро муносабатлар орқали ифодаланувчи тўқнашувларга айтилади². Психологик нуқтаи назардан талқин этганда, одамларга ҳалокатли таъсир этадиган жиҳат бу – низоларнинг ўзи эмас, балки уларнинг оқибати ҳисобланади. Низолар оқибатида инсон руҳиятида қўрқинч, ваҳима, адоват каби салбий ҳислар юзага келади. Агар мазкур кечинмалар кучли бўлса ва узоқ муддат давом этса, одамда ҳимоя реакцияси пайдо бўлиши ва мустақамланиши мумкин. Низо натижасидаги салбий ҳолатлар шахснинг ҳиссиёти, хатти-ҳаракатлари, тафаккур ва ҳатто характерида маълум ўзгаришлар содир этади. Бу ўзгаришлар шахснинг хулқ-атворида намоён бўлиб, мазкур субъект қатнашаётган бошқа вазиятларга ҳам тарқалади ва ўзаро муносабатларнинг кенг соҳаларини эгаллай бошлайди. Масалан, қўрқув ва хавф муҳитида тарбияланган одам кейинчалик худди шундай муҳитнинг манбаига айланиши эҳтимолдан холи эмас. У ҳатто ўз болаларини ҳам шундай муҳитда тарбиялайди ёки оилани ҳам ана шу услубда бошқаради.

Оилавий низолар, одатда, бир-бирини тингламаслик, яъни бир-бирларининг истакларини “эшитмаслик”, ҳаётга бўлган қарашларнинг фарқланиши, ўта қаттиқ назорат, эътибор етишмаслиги, иш фаолиятидаги муаммолар туфайли юзага келади³. Афсуски, барча оила ҳам ота-она ва улар дунёга келтирган фарзандлар билан тўлиқ бўлавермайди. Тақдир тақозоси билан айрим оилаларда низолар келиб чиқади ва унинг оқибати сифатида никоҳ барбод бўлади. Олимлар никоҳнинг барбод бўлишини ўрганиб, унинг сабаблари турлича бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўз назарий қарашларини баён этганлар. Масалан, айрим психологлар ажримларни “туртки” концепцияси орқали тушунтиришга уринадилар. Яъни, яхши тинч-тотув яшаётган оилада бирдан шундай ҳолат юз берадики, масалан, хиёнат, ўлим, хасталик, рашк ва шунга ўхшаш воқеалар туртки бўлдию, оила устунни қулайди. Аслида ҳаётда қўқисдан шундай бир силкиниш ёки туртки билан оила бирдан бузилиб

² Каримова В.М. Ижтимоий психология. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. – 172 б.; Махмудов И. Бошқарув психологияси. – Т.: “Yunaks –Print”, 2006. – 230 б.

³ Ёшлар билан ишлаш жараёнида низоларни бош.ариш / Тузувчи: А.Т.Жалилов. – Тошкент : Tafakkur Bo’stoni, 2018. – 5-б.

кетиш ҳолатлари кам учрайди⁴. Яна бир ҳолат олимлар фикрича, “орқага кетиш” деб номланади. Бу шундай ҳолатки, унга кўра, эр ва хотинни яхши, илиқ муносабатлар боғлаб турган, лекин айнан муҳаббат бирдан совиб, эр-хотин бир-бирини кўрса ғаш келадиган, гаплари ёқмайдиган, низокаш бўлиб қолади. Бундай воқеалар ҳаётда тез-тез учрайди. Сабаби бирдан ёнган олов, яъни муҳаббат, маълум вақт ўтгач ўчиши, сўниб қолиши мумкин⁵.

Замонавий фанда ҳуқуқий конфликтология соҳасидаги ютуқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек уларни олдини олиш ва ҳал қилиш усулларини ўрганишни ўз ичига олади⁶. Ижтимоий-ҳуқуқий фанлар, жумладан, ҳуқуқшунослик ва айниқса, оила ҳуқуқи фанининг асосий вазифаларидан бири оиладаги низолар келиб чиқишининг олдини олиш ва улар юзага келган тақдирда уларни муаммосиз ҳал этиш имконини берадиган ҳуқуқий механизмни, шу жумладан ҳал қилишнинг муқобил усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги вақтда бундай механизмни ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Бу, биринчидан, махсус қонунчилик ҳужжатининг қабул қилинишида намоён бўлади; иккинчидан, низоларни ҳал этишнинг муқобил тартибларини нафақат суд, балки маъмурий тизимларга ҳам фаол жорий этиш.

Оиланинг ички ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир оилавий низо, биринчи навбатда, оиланинг ўзи томонидан ўзаро келишув асосида, вояга етмаган болалар, меҳнатга лаёқатсиз шахслар, ота-она ёки бошқа оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 10-моддасида, фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар деб белгиланган. Шунингдек, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

⁴ Каримова В., Акрамова Ф., Хонқулова Н. Мустаҳкам оила – маҳалла таянчи Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 53-56 б.

⁵ Юлдашев, С. Низоли оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш / Тузувчи: С.Юлдашев, Н.Норкулова – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. 68 б.

⁶ Юридическая конфликтология / отв. ред. В. Н. Кудрявцев. М., 1995. 53 стр.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, ташкилотлар ва алоҳида фуқароларнинг аралашувиغا оиланинг вужудга келган низо бўйича қабул қилган қарори унинг аъзолари, айниқса, вояга етмаганлар ва ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузган тақдирдагина йўл кўйилади.

Оилавий низо деганда, бир оила аъзолари ўртасида ёки оила аъзоси билан бошқа шахс ўртасида юзага келадиган мулкӣ ёки шахсий номулкӣ характердаги ижтимоӣ низо тури тушунилади, бундай қарама-қаршилик пайтида оиланинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган, ёки унга ўз таъсирини ўтказган бўлади. Агар низолашаётган томонлардан камида биттаси унинг (оила) манфаатларини ҳақиқӣ ёки хаёлий ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш мақсадида оила аъзоси сифатида ҳаракат қилса, низо оилавий низо сифатида квалификация қилиниши мумкин. Шундай қилиб, оилавий низо тушунчасини белгилайдиган муҳим белгилар низолашаётган томонларнинг ўзига хос субъект таркиби ва нисонинг оила манфаатларини ёки алоҳида оила аъзоларининг, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ногиронларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги бўлиб ҳисобланади⁷.

Демак, оилавий низолар бу бир оила аъзолари ўртасида юзага келадиган ва оилавий ҳаёт, шунингдек, муносабатларнинг турли томонларига тааллуқли низолар, қарама-қаршиликлар ёки келишмовчиликлар. Ушбу низолар оилавий муносабатларни турли соҳаларини қамраб олиши мумкин. Булар бугунги кунда, никоҳни бекор қилиш ва мулкни тақсимлаш, васийлик, болаларни тарбия қилиш, алимент мажбуриятлари, фарзандликка олиш ва ҳомийлик, мерос масалалари кўринишларида бўлиши мумкин.

Оилавий низоларда кимлар иштирок этишига кўра, уларни куйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасидаги низолар;
- қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- овсинлар ўртасидаги низолар;
- ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

⁷ Рабец А.М., Хватова М.А. Семейные споры как объект альтернативного урегулирования // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция. 2020. № 4. С. 123–132. DOI: 10.18384/2310-6794-2020-4-123-132

Оилавий низоларнинг энг характерлиларидан бири бу эр ва хотин ўртасидаги низолардир. Ҳар қандай оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар. Лекин шу низоларнинг характери, уларнинг оқибатларига кўра турли оилалар ва улардаги оилавий муносабатлар бир-бирларидан фарқланади. Психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив» («бириктирувчи») ва «деструктив» («ажратувчи») низоларга фарқланади. Улар, ўзларининг юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал этилиши, кечиши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характерига кўра бир-бирларидан фарқланади.

Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бутун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса, бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимини топади. Бундай низоларга оиладаги тартиб, интизом, озодалик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва бошқа шу каби тоифадаги низолар мисол бўла олади. Улар асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам фақат эр-хотинларнинг ўзларигина ҳисобланадилар.

Бундай низоларнинг муваффақиятли ҳал этилишида эр-хотинларнинг бир-бирларини янада яқинроқ бўлиб, тушуниб, бир-бирларининг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганиб бориш, бир-бирларига мослашиш, муаммоларни ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиш каби оилавий ҳаёт мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи жараёнлар амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, бундай низолар «эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» каби низолар тоифасига киради. «Дока рўмолнинг қуриши» эр-хотин ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиради.

2. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Оилавий низолар – ҳар қандай оилада учрайдиган шахслараро муносабатнинг таранглашган шакли. Оилавий низоларни бартараф этишда дуч келинадиган асосий муаммо мазкур низоларни таҳлил қилишнинг самарали усул ва воситаларини билмаслик ёки тўғри, низонинг хусусиятига мос бўлган усул ва воситаларни қўлламаслик ҳисобланади.

Оилавий низоларнинг турлари кўп ва ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар орасида оиладаги молиявий муаммолар, оилавий вазифаларни тақсимлашдаги келишмовчиликлар, фарзандлар тарбиясидаги қарашлардаги турлича ёндашувлар, оила аъзоларининг шахсий манфаатлари, қадриятлар тизимидаги фарқлар ва бошқаларни айтиш мумкин. Оилавий низоларни таҳлил қилишда қайси усул қўлланганда ҳам, энг муҳими низолашаётган инсонларни тинчлантириш, низонинг сабаблари, оқибатлари, ечими бўйича бир қарорга келиш учун етарлича вақт ва соғлом ақлга эга бўлишларини таъминлаш талаб этилади.

Мазкур оилавий низоларни таҳлил қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Низо (можаро) ғилдираги

Усулнинг бундай номланишига асосий сабаб мазкур усулда низонинг асосий элементлари (низо иштирокчилари, муаммолар, низо динамикаси, контекст/структура, сабаблар, имкониятлар/стратегия) низонинг атрофида айлана ҳолатда жойлашади. Натижада низо худди ғилдиракка ўхшайди ва унинг доимо ҳаракатда бўлиши, динамик жараён эканлигини кўрсатиб туради.



Тасниф. “Низо ғилдираги” усулидан бошқа барча низоларни таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш мумкин. “Низо ғилдираги” можаронинг панорамали, яхлит тарзда кўринишини беради, бу эса оилавий низонинг ўзига хос жиҳатларни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятини яратади. Ғилдиракнинг ўзи ҳаракатнинг рамзидир, шунинг учун можаронинг индивидуал жиҳатлари таҳлил қилингандан сўнг, уни ҳал қилиш учун барча олти элементни бир жойга тўплаш зарур.

Мақсад:

- низоларни таҳлил қилишнинг бошқа самарали усуллари аниқлаш;
- низо ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш.

Асосий элементлар:

1. Низо иштирокчилари / муносабатлар. Низо иштирокчилари – оилавий низонинг томонлари. Улар низонинг хусусиятидан келиб чиқиб, эр, хотин, қайнона, овсин, қуда ва бошқалар бўлиши мумкин. Мазкур элементда низолашувчилар ўзи кимлиги, бир-бирига нисбатан қандай ижтимоий муносабатда эканлиги аниқланади. Низода тўғридан тўғри иштирок этмаётган, лекин унга таъсир кўрсатаётган кишилар “учинчи томон” ҳисобланади.

2. Муаммолар. Оилавий низо иштирокчиларининг баҳслашаётган буюм, нарса, ҳолат, вазият муаммо ҳисобланади.

3. Низо динамикаси. Низо динамикаси низонинг кучайиши, оилавий низо иштирокчиларининг ўзаро таъсирланиши ва уларнинг хатти-ҳаракатлари ўзгаришига олиб келадиган шахсий темпераментлари каби омилларни билдиради.


4. Контекст ва структура. Бу низо вужудга келган ва ривожланган муҳит. Одатда оилавий низо ҳолатида умумий ҳолат, оиладаги низоли муҳит эмас, унинг натижасида юзага келган жанжал ёки зиддиятга эътибор қаратилади. Бу эса вақтинчалик чора ҳисобланади.

5. Сабаблар. Одатда, ҳеч қайси оилавий низо битта сабаб туфайли юзага келмайди, балки тизимли муаммолар, кўплаб омиллар ушбу низо учун сабаб бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли, оилавий низога олиб келган сабабларни барчасини ўрганиш, уларни таснифлаш низони ечимига тезроқ олиб боради.

6. Имкониятлар/стратегиялар. Мазкур компонентда оилавий низони ҳал этиш, унинг кенгайиб кетишини олдини олиш, низони бошқариш йўллари изланади, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ечим топишга ҳаракат қилинади.

Низо дарахти

Тасниф. “Низо дарахти” – оилавий низонинг сабаблари, келтириб чиқарувчи омилларини таснифлаш имкониятини берадиган таҳлил қилиш усули ҳисобланади. “Низо дарахти”да муаммонинг асосий сабабларини топиш, қайси сабаблар билан қандай тарзда курашиш мумкинлигини аниқлаб олиш мумкин. Оилавий низоларни бартараф этиш жараёнида мазкур усул тегишли ижтимоий соҳа вакили (масалан, хотин-қизлар фаоли), медиатор билан низолашаётган томонлар иштирокида қўлланилиши мумкин.



“Низо дарахти”да уч даражадаги сабаблар аниқланади: тизимли муаммолар, кўриниб турган муаммолар ва динамик омиллар.

Тизимли муаммолар – низо дарахтининг илдизидида жойлашади. Бундай муаммоларга ишсизлик, ичкиликбозлик кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу муаммоларни қисқа вақтда ҳал этиб бўлмайди. Низо авж олмаслиги учун бу муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.

Кўриниб турган муаммолар – низо дарахтининг танаси, тизимли ва динамик омилларни ўзаро боғлайди. Кўриниб турадиган муаммолар – оилавий низо иштирокчилари ўзаро баҳслашаётган нарсалар, вазиятлар ҳисобланади. Масалан, қайнона ва келиннинг гап таллашиб қолиши, эрнинг хотини билан ҳар доим пул борасида жанжаллашуви каби.

Динамик омиллар – низо дарахтининг барглари ифодалайди. Бу оилавий низо иштирокчиларининг ўзаро алоқаси, низони кескинлаштирувчи омиллар, муносабатларни қамраб олади. Масалан, кийимнинг дазмолланмаганлиги, мулоқотда қўполлик каби.

Мақсад:

- оилавий низога олиб келувчи тизимли, кўриниб турган ва динамик омилларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;
- зиддиятли ҳолатга турли даража ва ракурсда қарашни рағбатлантириш.

Муҳим. Мазкур усулни қўллашда низоли ҳолатдаги оила аъзоларига низонинг тизимли, кўриниб турган ва динамик омиллари ҳақида ўйлашлари учун вақт берилиши керак. Улар ўз фикрларини ёпишқоқ стикерларга ёзишлари ва “низо дарахти”нинг тегишли жойига ёпиштиришлари мумкин.



Низо харитаси







Тасниф. “Низо харитаси” оилавий низонинг умумий манзараси ҳақида тасаввур уйғотади ҳамда оилавий низо томонлари, уларнинг низодаги иштироки, имкониятлари, ўзаро муносабатлари ва низонинг сабаблари ҳақида умумий ҳолатни тақдим этади. Иштирокчилар ушбу усулдан низоли муҳокама қилаётган вақтда фойдаланишлари мумкин. Харитани ўзгартириш имконияти сақланиб қолиши учун қаламдан фойдаланиш тавсия этилади.

Мақсад:

- оилавий низо иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш;
- турли иштирокчиларнинг кучи ва имкониятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- оилавий зиддиятнинг умумий манзарасини англаш.

“Низо харита”сини тузишда қуйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

	Доира – оилавий низо иштирокчилари. Доиранинг катталиги низо иштирокчисининг кучини, имкониятини билдиради. Доира ичига низо иштирокчисининг исмини ёзиш мумкин.
	Тўғри чизиқ – яқин муносабат.

	Икки чизиқ – жуда яқин муносабат.
	Узуқ чизиқ – заиф алоқа, муносабат.
	Стрелкали чизиқ – ҳаракат, таъсир йўналиши
	Эгри чизиқ (зигзаг) – низо, можаро
	Устидан чизилган чизиқ – бузилган муносабатлар
	Ярим доира – учинчи томон

Ф.Гласлнинг низонинг кучайиши (эслакация) модели

Эслакация – низонинг кучайиши. Мазкур усул оилавий низонинг қай даражада чуқурлиги, кўламини аниқлаш ҳамда ечим босқичига тезроқ ўтиш имкониятини яратишга йўналтирилган. Ф.Гласл низо кучайишини тўққиз даражасини ажратиб кўрсатади. Оилавий низонинг қайси босқичда эканлигини англаш орқали унга нисбатан тўғри ёндашув шаклланишига эришиш мумкин.

Мақсад:

- оилавий низонинг кучайиш даражасини аниқлаш;
- оилавий низони ечиш учун ечим топиш. Низони ҳал қилишда эслакация даражасини инобатга олиш.

Низонинг кучайиши босқичлари.

Биринчи босқич – оилавий низонинг бошланғич нуқтаси, томонларнинг манфаатлари ва фикрлари кескинлашади, оилада ўзаро муросасиз кайфият пайдо бўлади. Низо яширин ҳолатда ҳам бўлиши

мумкин. Муносабатлардаги кескинликни бартараф эта олмаслик умидсизликка, ўзаро шубҳага ва вақтни беҳуда сарфлаш туйғусига айланади.

Иккинчи босқичда низо томонларининг муносабатлари ҳамкорлик ва рақобат ўртасида ўзгариб туради. Улар бир-бирларининг қарорларидан норози бўлишади, ўзаро мулоқотда ҳам совуқчилик тушади. Низолашаётган томонлар бир-бирининг айбини топишга ҳаракат қилади. Оилада ҳиссий босим вужудга келади.

Учинчи босқич оилавий низо иштирокчилардан бири иккинчи билан умуман гаплашмай қўйиши, бошқаси эса ўзаро олдиндан маслаҳатлашмасдан ҳаракат қила бошлаганда бошланади. Низолашаётган иштирокчиларнинг муносабатлари ёмонлашади, иккинчи томонни тушуниш қобилияти камайиб кетади. Низо иштирокчилари бир-биридан хавфсирайди, бир-бирларига тобора салбий қарашни бошлайдилар. Ўзаро муносабатлар учун шахсий жавобгарлик ҳисси аста-секин пасайиб боради, чунки ўз ҳаракатларининг барчаси бошқасининг ҳаракатларига зарурий жавоб сифатида қаралади.

Тўртинчи босқичда низо туфайли муносабатларнинг қайта йўналтирилиши амалга ошади. Яъни оилавий низо томонлари муаммоларни муҳокама қилиш ўрнига, иккинчи томоннинг обрўсига ҳужум қилиш шаклига ўта бошлайди. Ўз шахсини ва обрўсини ҳимоя қилиш устувор вазифага айланади. Низолашаётган томонлар иккинчи томон ҳақида қўйидагича ўйлашни бошлайди: “бу одам (келиним, қайнонам, эрим, хотин, овсиним ва ҳ.к.) ҳеч қачон ўзгармайди”.

Бешинчи босқич оилавий низолашаётган иштирокчилар иккинчи томон учун олдинги муносабатини бутунлай ўзгартиради. Шунингдек, низолашаётган инсоннинг хатти-ҳаракати ахлоқсиз, табиати ғайриинсоний сифатида қабул қилинади. Ушбу босқичда ўзаро ишонч инқироз ҳолатига киради. Икки томон ҳам нариги томоннинг ҳамманинг олдида кечирим сўрашини талаб қилади. Ўзаро тўхмат кучаяди.


Олтинчи босқич ўзаро таҳдид ва талаблардан фойдаланиш, низонинг бошқа томон устидан назорат ўрнатишга ва уни ён беришга мажбурлашга уринишлар, шунингдек рақибнинг танловини чеклаш билан тавсифланади. Зудлик билан жавоб бериш талаб этилади, муносабатлар

кескинлашади. Таҳдиддан фойдаланиш қисман тажовузнинг намоён бўлиши сифатида қаралади.

Еттинчи босқичда низолашаётган томонлар рақиб томонга бартараф этилиши керак бўлган тўсиқ сифатида қарай бошлайди. Нима қилиб бўлса ҳам рақибига зарар етказишга ҳаракат қилинади. Рақиб оила аъзосидан душманга айланади, у аллақачон инсоний фазилатлардан маҳрум сифатида кўрилади. Шунинг учун унга нисбатан барча ҳаракатлар оқланади. Хужумлар қасос олишга ва можаронинг янада ҳалокатли ривожланишига олиб келади. Иккала томон ҳам, агар бошқаси кўпроқ азоб чекаётганини билса, ўзи ҳам қийналишга тайёр бўлади.

Саккизинчи босқичда оилавий низонинг барча томонлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ютқзади. Томонларнинг мақсади иккинчи томонга максимал зарар етказишдир. Оилавий низо кенгайиб кетади, икки томон ҳам ҳар қандай ёмонликка қасос олиш воситаси сифатида қарай бошлайди.

Тўққизинчи босқичда оилавий низо томонларининг ўзига ва ўз эҳтиёжларига бўлган барча қизиқишлари йўқолади. Инсон ўзини ҳимоя қилиш туйғусидан маҳрум бўлади. Ечимга бўлган ҳар қандай умид йўқолади. Низонинг ягона ечими қарама-қарши томонни йўқ қилиш бўлиб туюлади. Бу босқичда орқага қайтиш имконияти тўлиқ йўқолади.



Низонинг кучайиш (эскалация) даражаси

Низонинг қўламини, қайси босқичда эканлигини аниқлашда ушбу усул самарали бўлиб, у орқали низолашаётган томонлар ҳам, низони ҳал қилишга уринаётганлар низо ва унинг ечими ҳақида тўлиқроқ тасавурга эга бўлишади.

Эҳтиёжлар ва қўрқувлар харитаси

Мазкур усул моҳиятан оилавий низо томонлари, муаммолари, манфаатлари, эҳтиёжлари, қўрқувлари ва имкониятлари белгиланган жадвалдан иборат.

Оилавий низо ишти- рокчилари	Муам- мола- ри	Қизиқиш- лари (ман- фаати)	Эҳти- ёжла- ри	Қўрқув- лари	Мавжуд восита- лари	Имко- ният- лари
Эр						
Хотин						
Қайнона (келиннинг онаси)						
Қайнона (куёвнинг онаси)						
...						

Мақсад:

- низонинг барча томонларининг муносабатини солиштиришга имкон берадиган форматни топиш;
- боши берк кўчадан чиқиш ва янги имкониятларни топиш;
- одамларга бошқаларнинг тасавурларини тушунишга ёрдам бериш;
- низонинг сабабларини ва ечимларини фаол муҳокама қилиш.

Ушбу низони таҳлил қилиш усулини қўллаш учун низонинг ҳар бир иштирокчиси ушбу жадвални алоҳида тўлдириши керак, кейин эса низолашувчи томонларнинг барчаси биргаликда муҳокама қилишлари мумкин.

Ушбу низоларни ҳал қилиш усулларида қайси бирини танлаш оилавий низонинг табиатига, медиатор сифатида фаолият юритаётган мутахассиснинг тажрибасига ва профессионал малакасига боғлиқ.

3. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИ

Барча турдаги низо, конфликтларда бўлгани каби оилавий низоларни ҳал этишда ҳам икки асосий усул мавжуд: суд орқали белгиланган тартиб асосида ҳамда суддан ташқари – низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари (Alternative dispute resolution - ADR) орқали.

Низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари (Alternative dispute resolution - ADR) – низоларни суддан ташқари ҳал қилиш процедуралари тўпламини англатувчи умумий тушунча бўлиб, у анъанавий (суд) амалиётидан ташқари кўпгина формал ва ноформал усулларга нисбатан ишлатилади⁸.

Суд ишларини юритиш ўзининг мажбурлов хусусияти ва стандартлаштирилган тартиблари билан ажралиб туради. Бундан фарқли равишда, низоларни муқобил ҳал қилиш низолашаётган томонларга қонунда белгиланган барча расмий тартиб-қоидалардан ўтмасдан, ўз муаммоларини суддан ташқарида ҳал қилиш имконини беради. У суд-ҳуқуқ тизимининг юкини енгиллаштиради. Бугунги кунда низоларни муқобил ҳал этиш – бу ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган 20 дан ортиқ суддан ташқари процедураларни бирлаштирган атама бўлиб, уларнинг баъзиларини оилавий низоларни ҳал қилишда ҳам қўллаш мумкин.

Умуман олганда, низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари бир неча шаклда классификация қилинган бўлиб, **асосий шакллари** сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Музокара – низони тўғридан-тўғри томонлар томонидан учинчи шахсларнинг иштирокисиз ҳал этиш. Музокараларда иштирок этиш ихтиёрийдир ва ҳал қилиш жараёнига ёрдам берадиган ёки резолюцияни талаб қиладиган учинчи томон мавжуд бўлмайди. Яъни музокаралар

⁸ <https://www.findlaw.com/hirealawyer/choosing-the-right-lawyer/alternative-dispute-resolution.html>

умумий низони ҳал қилиш учун томонлар ихтиёрий равишда ўзаро манфаатли келишувга эришадиган жараёндир.

Медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули⁹; низоларни томонларга келишувга ёрдам берадиган мустақил, бетараф воситачи ёрдамида ҳал қилиш.

Медиация томонлар ўртасидаги низо, зиддият, ихтилоф, келишмовчилик, можаро (конфликт)ни томонларнинг ихтиёрий розилиги асосида, учинчи, бетараф (нейтрал), холис шахс, яъни медиатор (воситачи) кўмагида ҳал қилиш технологияси ҳисобланади. Медиация воситачи кўмагида низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш усулидир¹⁰.

Медиация жараёни қуйидаги соҳаларга татбиқ этилиши мумкин:

- молиявий-иқтисодий муносабатлар;
- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- оилавий ҳуқуқий муносабатлар;
- бизнес-тадбиркорлик муносабатлари;
- таълим муносабатлари;
- корпоратив-меҳнат муносабатлари.

Медиация ўз навбатида профессионал ва непрофессионал медиация, корпоратив медиация, бизнес медиация, оила медиацияси, суд медиацияси, комедиация, трансформатив медиация, нарратив медиация, баҳоловчи медиация каби кўплаб турлари мавжуд.

Яраштирув (conciliation) – низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули, низолашаётган томонлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликни ҳал этиш учун яраштирувчидан фойдаланиш жараёни. Баъзида яраштирув институти ҳам медитация (келишув) нинг бир шакли сифатида таснифланади. Медиация ва яраштирувнинг умумий хусусияти шундаки, ҳар иккисида воситачи ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмас, мулоқотни осонлаштириши ёки келишув битимини тузишда ёрдам бериши мумкин холос.

Яраштирувнинг медиациядан фарқи шундаки, яраштириш жараёни қонуний кучга эга эмас, унинг юридик асоси мавжуд эмас ва яраштирувчи

⁹ <https://lex.uz/docs/3805227>

¹⁰ Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / под ред. А.Я. Сухарева. – М., 2003.

далилларни талаб қилиш ёки гувоҳларни чақириш ҳуқуқига эга эмас, у қарор ёзмайди ёки қарор қабул қилмайди. Медиатордан маълум даражада тайёрлов босқичидан ўтиши талаб этилса, яраштирувчини белгилашда бундай талаб қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистонда профессионал асосдаги медиатор фаолияти билан шуғулланиш учун Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиш ва Профessional медиаторлар реестрига киритилиш талаб этилади¹¹. Яраштирув институти эса кўпроқ нопрофессионал асосдаги медиаторликка ўхшаб кетади.

Яраштирув – оилавий низоларни ҳал этишнинг кенг тарқалган шакли. Маҳаллада фаолият юритувчи мутахассислар, хусусан хотин-қизлар фаоллари, фаол жамоатчилик, маҳалладаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси (олдинги Яраштирув комиссиялари), “Оқила аёллар” ҳаракати ёки Ота-оналар университети каби жамоатчилик тузулмалари оилавий низоларни ҳал қилишда яраштирувчи ёки нопрофессионал медиатор вазифасини бажаради. Кенг жамоатчиликнинг иштироки ва мавжуд амалий механизмлар сабабли оилавий низоларни бартараф этишда яраштириш институтини самарали восита сифатида кўрсатиш мумкин.

Арбитраж (ҳакамлик) – низони мустақил шахс – ҳакамлар (ёки ҳакамлар гуруҳи) нинг ёрдами билан ҳал этилиши. Музокара, медиация ва яраштирув ихтиёрий бўлиб, унда низолашаётган томонларнинг розилиги талаб этилади. Арбитраж эса мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин. Мажбурий арбитраж учинчи томон қарори билан тугайди, бу қарор тарафлар қарорга рози бўлмаса ҳам, улар учун мажбурийдир. Мажбурий бўлмаган арбитраж, шунингдек, учинчи томоннинг қарори билан тугайди, аммо томонлар буни рад этишлари мумкин.

Мазкур асосий шакллардан ташқари, низоларни муқобил ҳал қилишнинг бошқа кўплаб шакллари ҳам мавжуд:

Mini-trial – низолашувчи томонлар, хусусан, компанияларнинг раҳбарияти томонидан низони кўриб чиқиш, “мини-процесс” (executive tribunal ёки mini-trial). Ушбу усул компания юристлари ушбу компанияларнинг юқори менежментидан ташкил топган ва мустақил

¹¹ <https://lex.uz/docs/3805227>

учинчи шахс (воситачи) бошчилигидаги гуруҳлар ўртасидаги низонинг моҳиятини қисқача баён этадилар. Тингловлардан сўнг, компаниялар раҳбарияти воситачи ёрдамида низо мавзуси бўйича музокаралар олиб боради.

Мустақил экспертларни аниқлаш – экспертлар, малакали мутахассисларнинг фикри асосида томонларнинг келишувга эришиши.

Омбудсман – низоларни ҳал қилиш учун манфаатдор томонларнинг шикоятлари асосида ишнинг ҳолатларини текширадиган расмий ваколатли шахс. Ушбу усулда низони ҳал қилишда омбудсманнинг қарори маълум даражада мажбурий кучга эга бўлади.

Med-arb, медиация суди – низони комбинатор усулда, яъни медиатор-ҳакам ёрдамида ҳал қилиш, медиация ва арбитражнинг (ҳакамликнинг) комбинациясига асосланган гибрид жараён бўлиб, унда дастлаб ҳакамлик муҳокамаси ўтказилади, мурсога келиш ёки ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган масалаларга аниқлик киритгандан сўнг, томонлар ўртасидаги низолар медиация орқали ҳал қилишга эришилади. Агар муайян вақт ичида низони ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, медиатор воситачиликни тугатади ва мавжуд низо бўйича арбитраж муҳокамасини очади.

Ислом ҳуқуқида ҳам азалдан низоларни суд (қози) иштирокисиз ҳал қилишнинг кўплаб низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш шакллари бўлган. Масалан:

Сулҳ – низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, яраштирув институти;

Таҳким – томонлар ўртасидаги низони ҳал қилишда ҳакам тайинлаш жараёни яъни ҳакамлик судининг Ислом ҳуқуқида қўлланувчи шакли ҳисобланган;

Васатаҳ – томонлар ўртасида вужудга келган низони бетараф шахс -воситачи ёрдамида ҳал қилиш жараёни ҳисобланган.

Юқоридаги низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари орасида музокаралар, медиация, яраштирув институтларини оилавий низоларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин. Арбитраж (ҳакамлик) амалиёти кўпинча оилавий-ҳуқуқий масалаларда эмас, балки молиявий-иқтисодий, тижорий, бизнес-тадбиркорлик каби масалаларда қўлланилади.

4. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ КЕЛИШУВ ВА МУЗОКАРАЛАР ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИШ

Оилавий низоларни ҳал қилишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири томонларнинг ўзига хос ҳолатлари ва афзалликларига қараб қўлланилиши мумкин. Буларга, музокаралар ва воситачилик, медиация, оилавий шартномалар, суд орқали ҳал этиш киради.

Оилавий низоларни ҳал қилишда альтернатив воситаларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Улардан бири медиация ва оилавий келишувлар ҳисобланади. Низоларни судгача муқобил тарзда ҳал этиш оила аъзоларига ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан манфаатли ечим топишга сабаб бўлади. Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари афзалликлари қуйидагилар билан белгиланади:

1. *Оилавий масалаларни ўзаро учинчи шахсларсиз ҳал этиш имконияти*: Оилавий келишувлар иштирокчиларга ўз ҳолатлари ва эҳтиёжларига мос келадиган шартлар ва ечимларни аниқлаш имконини беради. Бу томонларга суд қарорлари билан солиштирганда натижа устидан кўпроқ назорат қилиш имконини беради.

2. *Мослашувчанлик*: Оилавий келишувлар суд қарорларига қараганда анча мослашувчан бўлиши мумкин. Улар оиланинг ўзига хос шароитлари ва эҳтиёжларини қондириши мумкин, шу билан бирга ўзгарувчан шароитларга мос равишда кейинчалик ўзгартириш учун имкониятини бериши мумкин.

3. *Шахсий муносабатни яхшилаши мумкин*: келишувга эришиш жараёни оилаларга низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш, мулоқотни яхшилаш ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни сақлашга ёрдам беради. Бу ажралиш ёки бошқа жиддий оилавий инқироз ҳолатларида айниқса муҳимдир.

4. *Вақт ва ресурсларни тежаш*: Шартнома тузиш вақтни, пулни ва ҳиссий ресурсларни тежашга ёрдам беради, акс ҳолда узоқ давом

этадиган суд ишларига сарфланиши мумкин. Шунингдек, у суд жараёнлари билан боғлиқ қўрқув ва ноаниқликдан қочишга ёрдам беради.

Низоларни муқобил ҳал қилиш усулларини қўллаш қуйидаги ҳолатларда самарали ҳисобланади:

1) Тарафларнинг алоқалари бузилиш таҳдиди остида бўлса, низоларни муқобил ҳал қилиш бундай вазиятларда анча афзалроқ ҳисобланади, чунки у суд муҳокамасига қараганда анча “юмшоқ” характер касб этади ва муносабатларнинг кескинлашувидан қочишга имконият яратади.

2) Низони тез ва кам сарф ҳал қилиш зарурати мавжуд бўлса, низоларни муқобил ҳал қилиш, одатда кам харажат талаб этади ва анча қисқа муддатларда ҳал қилиш имконини беради;

3) Томонлар ўзларининг оилавий сирларини ошкор бўлишини хоҳламаганларида;

4) Низо ҳуқуқ масалаларига қараганда техник масалаларга тегишли бўлса, хорижда бундай низоларнинг кўпчилиги тегишли мутахассисларнинг кўриб чиқилишига жўнатилади.

Оилавий келишувлар ва медиатив келишувлар икки хил тушунчадир, гарчи улар оилавий низоларни ҳал қилиш жараёнида бир хил кучга эга бўлишлари мумкин. Улар ўртасидаги асосий фарқларни қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади.

Оилавий ҳуқуқий шартнома - бу оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатлари ёки мажбуриятлари бўйича келишувни ўз ичига олган ҳужжат ҳисобланса, медиация келишуви тарафлар томонидан низони ҳал этиш жараёнида уларга ёрдам берадиган нейтрал учинчи шахс – медиатор ёрдамида эришилган келишувдир.

Оила аъзолари томонидан тузилган оилавий-ҳуқуқий шартномалар нафақат хулқ-атворнинг индивидуал ҳуқуқий моделини яратишга қаратилган, балки проактив функцияга эга (низоларни олдини олиш функцияси), оила аъзолари ўртасида аллақачон юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишга қодир ва муносабатлардаги кескинликни енгиллаштиради¹².

¹² Чашкова С. Ю. Конкуренция семейно-правовых договоров и медиативных соглашений, направленных на регулирование семейно-правовых споров // Lex russica. — 2022. — Т. 75. — № 4. — С. 50–62. —DOI: 1017803/1729-5920.2022.185.4.050-062.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар шахсий характерга эгаллиги уларни ўзига хос ҳусусиятларини кўрсатиб бериш муҳимлигини кўрсатади. Оилавий муносабатлар субъект таркиби билан ўзига хосдир. Ушбу муносабатларда юридик шахслар, давлат субъект сифатида иштирок этмайди, фақат жисмоний шахслар иштирок этадилар. Булар эр-хотин, ота-она, фарзандлар, бува, буви, набира ва бошқа қариндошлар тутинган ота-она. Улар биологик қариндошлик ва юридик жиҳатдан боғланган қонунда белгиланган мажбуриятлар билан ўзаро боғланган. Фуқаролик муносабатларида исталган шахслар субъект бўла олади. Барча оилавий ҳуқуқий муносабатлар, жумладан шартнома асосида вужудга келганлари ҳам “давом этувчи” ҳусусиятга эгадир. Айрим оилавий ҳуқуқий муносабатлар юридик фактларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Баъзилар шартнома муддатига алимент муносабатлари муаяйн ёшга тўлиши баъзилари оила қонунчилигида белгиланган муддатга кўра, юридик фактлар уларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши, билан фарқланади. Оилавий муносабатлар қариндошлик, никоҳ, маъмурий суд актлари ва шартномавий муносабатлардан ҳам ташкил топади, фуқаролик муносабатлари эса, шартнома асосида вужудга келади. Ф. Отахўжаев оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг давомийлилик ҳусусиятига алоҳида тўхталиб ўтиб, бу ҳусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланишини таъкидлайди. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эр-хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашга мўлжалланади. Ота-оналик ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади. Оилавий ҳуқуқий муносабатлар муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари, никоҳдан ажралиш ҳолатини ҳисобга олмаганда бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавий ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат билан чекланади, бироқ белгиланган давргача албатта давом этади. Масалан, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш мажбуриятлари фарзанд 18 ёшга тўлгунига қадар давом этади.

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олимлар томонидан мулкӣ муносабатларни тартибга солишга оид масалалар кўпроқ таҳлил қилиниб ўрганилган, шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш қонунчилиқда ҳам тор доирада берилган бундан ташқари уларни барчасини қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти йўқлиги

аниқ. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қонуншунос оилавий муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий усулидан фойдланишга имконият яратади. Бугунги кунга келиб, оилавий-ҳуқуқий шартнома оила аъзоларининг қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти бўлмаган жиҳатларни, тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишларига имкон яратади ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзга хос механизми саналади. Оилавий ҳуқуқий шартномалар фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан ўзининг субъектлар доираси, шакли, шартномани тузиш принциплари ва бажарилиши ҳамда жавобгарлиги нуқтаи назардан фарқланади. Оилавий ҳуқуқий шартномаларни фақат оила аъзоларининг ўзларигина туза оладилар, яъни бу борада шартнома субъектлари сони ҳамда шартнома тарафи сифатида ўзга шахсларни танлаш имконияти чегараланганлигини кузатиш мумкин.

Оила ҳуқуқида оилавий ҳуқуқий шартномаларнинг тизимини мулкӣ муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномалар ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солувчи шартномалар ташкил этади.

- эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида келишув;
- никоҳ шартномаси ;
- ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув ;
- алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ;
- ота-онанинг келишувига биноан болага исм, ота исми бериш келишуви;
- ота-онанинг келишувига биноан ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаш жойини белгилаш келишуви;
- ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув ;
- болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Медиация – низолашаётган тарафларнинг муаммони ўзлари учун мақбул ва самаралироқ усулда ҳал этиш йўлидир. Оилавий низоларни медиация тартиб таомили асосида ҳал этишнинг энг муҳим жиҳатларидан

бири тарафларга барча соҳаларда енгиллик бериш билан бирга судлар иш ҳажмининг камайишига олиб келади¹³.

Ўзбекистонда амалиётда оилавий ҳуқуқий шартномалар тузиш ҳамда у орқали оилавий муносабатларни тартибга солиш кам. Оилавий шартномаларнинг кам характерли бўлишининг бир қанча сабабларини куйидагилар билан боғлаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

Маданий ва анъанавий меъёрлар: Ўзбекистонда оилавий муносабатлар кўпинча анъанавий қадриятлар ва маданий меъёрлар билан белгиланади, улар эр ва хотин ўртасидаги индивидуал келишувларга эмас, ахлоқий меъёрларга амал қиладилар. Умуман олганда оилавий муносабатларда ҳуқуқ нормаси ёки шартномавий мажбуриятлардан кўра, ахлоқий нормалар устуворлик касб этади.

Хабардорликнинг йўқлиги ёки бу борадаги тарғибот ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги: Кўпгина оилалар никоҳ шартномаси ёки бошқа оилавий шартномаларни тузиш имконияти ёки бундай келишувлар уларнинг оилавий ишларини бошқаришда қандай ёрдам бериши мумкинлигини тўлиқ билмайдилар, унинг низоларни ҳал этишнинг муқобил усули эканлиги ҳақида билимга эга эмаслар, шунингдек бу борадаги тарғибот ишларида никоҳ шартномаси никоҳни бекор қилиш пайтида ҳал этиладиган ҳолат деб қаралади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, оилавий низоларни судгача оила аъзолари ўзаро келишувларни расмийлаштирган тарзда ҳал қилишга эришишлари мумкин.

¹³ <https://mediator.uz/mediacija/928-oilavij-nizolarda-mediacija.html>

5. ОИЛАВИЙ МЕДИАЦИЯ ҲАМДА УНИ МАҲАЛЛАДА ҚЎЛЛАШ

Оилавий медиация кенг қамровли соҳа бўлиб, у болаларни тенгдошлари билан низоларни ҳал қилишга ўргатиш, қариндошлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш, никоҳдан олдинги шартномаларни тузишда ёрдам кўрсатиш, никоҳдаги низоларни ҳал этиш, қарияларга ғамхўрлик билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ва оилавий медиацияни ўз ичига олади. Мазкур бўлимда оилавий медиацияга аҳамият қаратилади.

Баъзилар ажралиш фақат эр-хотин ва болаларига тегишли деб ўйлашади, лекин ҳар бир ажрим кўпчиликни қамраб олади: эр ва хотиннинг оиласи, ота-оналари, оилавий дўстлар, болаларнинг синфдошлари ва ўқитувчилари ва ҳ.к.. Ижтимоий ҳодиса сифатида ажралиш ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, таълим тизими ва бошқа кўплаб соҳаларга таъсир кўрсатади.

Оилавий низоларнинг ичида энг кенг тарқалгани ва мураккаби бу никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлардир. Ажралиш – бу жуда стрессли ва тарафларни ҳиссий жиҳатдан зўриқтирадиган жараён бўлиб, афсуски, ажралишни танлаган кўплаб жуфтликлар ажралиш жараёнини юмшатишда медиациянинг роли ва аҳамиятини эътиборсиз қолдирадилар, бунинг натижаси эса оғир асоратлар, адоват ва узоқ давом этадиган ажралиш жараёнига олиб келиши мумкин.

Ажралишнинг турлари

Ажралиш одатда никоҳни бекор қиладиган қонуний жараён деб тушунилади. Никоҳнинг турли жиҳатлари бўлгани учун, адвокат медиатор Катрин Стонер ажралишнинг битта эмас, балки тўртта тури мавжудлигини таъкидлайди: ҳиссий, ижтимоий, молиявий ва ҳуқуқий. Бу ажралишлар ҳар доим бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди¹⁴.

¹⁴ STONER, Katherine. 2004. Using Divorce Mediation, Nolo, p.3

Эмоционал ажралиш, ажралиш қароридан бошланиб, иккала томон ҳам бир-бирига бўлган ҳис-туйғулари ва никоҳда яшаш истаги йўқолганини тушунганида ушбу босқич якунланади. Ижтимоий ажралишда эр-хотин ўз дўстлари билан алоқаларини қайта тиклайди ва энди улар жуфтлик сифатида эмас, балки алоҳида шахслар сифатида мулоқот қилишади. Молиявий ажралиш никоҳ давомида эр-хотин орттирган мулк ва қарзларни тақсимлашни ўз ичига олади. Ҳуқуқий ажралиш, агар собиқ эр-хотин эмоционал, ижтимоий ва молиявий жиҳатларни ҳал қилган бўлса, нисбатан осон кечади. Акс ҳолда, бу жараён молиявий инқирозга олиб келиши ва собиқ эр-хотинларга, болалар тарбиясига ва уларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкин.

Эмоционал ажралиш ҳар бир инсон учун катта синовдир. Эр-хотин бу ҳолатни англашнинг бир неча босқичларидан ўтадилар:

- Инкор ва шок – «бу мен билан содир бўлмади»; «муносабатларимизда муаммолар бор, лекин биз уларни ҳал қила оламиз»; «агар бироз вақт берсам, у қайтиши мумкин».
- Музокаралар – «ажралишни олдини олиш учун ўзимни бошқача тутаман».
- Ғазаб – депрессия ёки қаҳр-ғазаб ҳис қилиш.
- Ғам ва айбдорлик – никоҳни сақлаб қололмагани учун афсусланиш.
- Ажралишни қабул қилиш – бу содир бўлиши керак бўлган муқаррар воқеа сифатида қабул қилиш.

Бу босқичлар эр-хотинларда бир вақтда содир бўлмади, бу эса қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Масалан, агар аёл ажралиш ҳақида ўйлай бошлаганига бир йил бўлган бўлса, у эрига бу қарорини айтганида, аёл аллақачон эмоционал ажралишни бошдан кечирган бўлади; эркак эса энди бошлайди.

Ижтимоий ажралиш нафақат оиланинг ўзига, балки дўстлар ва қариндошларнинг ҳам ҳаётига таъсир қилади. Улар ҳам собиқ эр-хотинларнинг янги статусига мослашиш жараёнидан ўтадилар. Айримлар оиланинг бузилишида кимни айбдор деб билишларига қараб, ўз муносабатларини қайта кўриб чиқиши мумкин. Бу эса ҳар

бир эр-хотин ва ҳатто болалар доирасидаги дўстларнинг ўзгаришига олиб келади, бу эса ҳамма учун қийинчилик туғдириши мумкин.

Молиявий ажралиш ҳам осон эмас. Оилавий мол-мулк, инвестициялар, уй, қарзлар ва ҳоказолар суд орқали ҳал қилиниши мумкин, аммо судьянинг қарори эр-хотинлар ўзаро ҳамкорлик ва болаларга ғамхўрлик асосида келишган қарордан яхшироқ бўлмаслиги мумкин. Агар эмоционал ва ижтимоий ажралиш ҳал қилинган бўлса, молиявий ажралиш анча самарали бўлади. Агар эр-хотин бу муаммоларни ҳал қила олмаган бўлса, уларнинг молиявий мулоқоти муваффақиятсиз бўлади ва молиявий муаммоларни ечиш ўрнига, бир-бирини қасддан ранжитишга қаратилади.

Ҳуқуқий ажралиш, агар ўзаро келишувга кўра амалга оширилса, кўп харажат талаб қилмаслиги керак. Агар олдинги учта масала яхши ҳал қилинган бўлса, ҳуқуқий ажралиш нисбатан кам вақт талаб қилади ва жиддий стрессларга сабаб бўлмайди.

Оилавий низоларни медиация тартиб таомили асосида ҳал этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири тарафларга барча соҳаларда енгиллик бериш билан бирга судлар иш ҳажмининг камайишига олиб келади. Ҳуқуқшунос, адвокат ҳамда оилавий масалалар бўйича халқаро медиатор Элейн Ричардсоннинг таъкидлашича “Аслида, оилавий судларда ўтирган судьялар одамларни ўзларининг келишмовчиликларини суддан узоқда ҳал қилишга ундайдилар ва бунинг учун медиациядан фойдаланишни қўллаб-қувватлайдилар”¹⁵.

Хорижий тажриба таҳлили асосида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда оилавий медиациянинг ривожланиши туфайли нафақат тарафларнинг ортиқча вақт ва сарф харажатларининг олди олинади, балки судьялар иш ҳажмининг камайиши натижасида давлат бюджетининг сезиларли даражада иқтисод қилинишига эришилади.

¹⁵ https://www.familylaw.co.uk/news_and_comment/elaine-richardson-wins-resolution%27s-john-cornwell-award.

Оилавий медиациянинг хусусиятлари

Оилавий медиация тинчлик ва келишувга эришишга қаратилган. Ажралиш қарори қабул қилинганидан сўнг, оилавий медиациянинг мақсадлари қуйидагича:

1. Ажралиш жараёнида эр-хотинлар ўртасидаги нохуш ҳис-туйғуларни камайтириш ва уларни бир-бирига душман қилишдан сақлаш.
2. Суд қарори асосида алоҳида яшайдиган болалар учун энг қулай яшаш шароитини яратиш.
3. Эски низоларни тугатиш ва янги муносабатлар босқичига ўтишга ёрдам беришни таъминлаш. Хусусан, ажралиш муносабатларни яқунламайди, у фақат никоҳнинг тугагини қонунийлаштиради, шунинг учун одамлар янги шаклда муносабатларини давом эттиришлари керак.
4. Ажралишнинг энг яхши ва арзон йўлини таклиф қилиш. Ажралиш медиацияси бу жиҳатдан юридик соҳа учун катта даромад манбаига айланган «ажралиш индустрияси»дан фарқ қилади.

Ушбу ҳолатларда мазкур хусусиятлар маҳалла органларига таалуқли бўлиши керак. Чунки ажрашаётган оиланинг муаммоларидан биринчи навбатда маҳалла хабардор бўлади. Келгусида оилавий низолар юзасидан фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари)нинг бу борадаги ваколатлари ҳамда уларнинг фуқаролар йиғини ҳудудида янада масъуллигини ошириш мақсадида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-модда биринчи қисмига йигирманчи хатбоши сифатида “фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар оилавий ва мулкый ҳуқуқларига доир тузилган медиатив келишувларни тасдиқлайди” мазмундаги тўлдириш киритиш таклиф этилади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 4 моддаси 5 қисми суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан никоҳдан ажрашишга ариза билан мурожаат қилган эр-хотинларни яраштириш учун тегишли чоралар кўриш бўйича хабар олингандан сўнг ярашиш учун белгиланган

муддат тугашидан ўн кун аввал уларни яраштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ва оилавий медиациясини ўтказиш тўғрисида тегишли равишда суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органини хабардор қилиш жумласини киритиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилавий медиациясини афзалликларига қараб чиқадиган бўлсак, ажралиш медиацияси замонавий ҳаётда ажралишнинг кенг тарқалган ҳолатига қарши янги усул сифатида пайдо бўлди. Бу жараённинг кўплаб салбий оқибатлари бор.

Анъанавий равишда, суд орқали ажралиш нафақат никоҳни тугатишга, балки кўп ҳолларда оилани ҳам бузишга сабаб бўлади. Одатда, болалар бир ота-она билан яшайди ва улар ғазабланган ва норози ота-оналари билан мулоқот қилишга мажбур бўлишади.

Оилавий медиация ота-оналар ўртасидаги болалар билан боғлиқ низоларни ҳал қилишга ёрдам беради, уларга янги муносабатлар ўрнатишга кўмаклашади ва оилавий мулкни адолатли тақсимлайди. Медиатор собиқ эр-хотинга ғазаб ва салбий ҳис-туйғуларни четга суриб, болаларнинг келажаги ҳақида қайғуришга шароит яратади. Бу маънода оилавий медиация суд жараёнига муқобил бўлиб, болалар ва мулк бўйича ўзаро қабул қилинадиган қарорларни қабул қилиш учун турли усулларни таклиф қилади.

Оилавий медиация собиқ эр-хотинга муаммоларни муҳокама қилиш ва профессионал медиатор ёрдами, қўллаб-қувватлаши ва йўналиши билан ўзаро келишувга эришиш имкониятини беради. Бу камроқ деструктив йўл бўлиб, томонларга бир-бирига қарши чиқиш ўрнига ҳамкорлик қилишни ўргатади. Бу усул нафақат адвокат, балки терапевт, бухгалтер ва медиатор хизматларидан фойдаланишни таклиф қилади, улар собиқ турмуш ўртоғига қарши курашда эмас, балки бутун оиланинг келажагини яхшилашга ёрдам беради.

Оила медиацияси жанг эмас, балки ҳамкорлик ва соғломлаштириш усули ҳисобланади. Медиация жараёнининг фалсафаси одатий ажралиш жараёнидан тубдан фарқ қилади. Анъанавий ажралиш жараёнида, агар томонлар келишувга эриша олмаса, адвокатлар мижозларини энг яхши кўринишда кўрсатишга ва бошқа томоннинг камчиликларини ошкор

қилишга ҳаракат қилади. Бу «ютиш - ютқазиш» тамойилига асосланади. Суд жараёнида кўпинча бир тараф болалар ва уй билан қолади, иккинчиси эса алимент тўлашга мажбур бўлади. Қарорни суд қабул қилади, эр-хотинлар эмас. Агар улар медиацияга мурожаат қилган бўлса, суд қарори уларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинади, яъни эр-хотин ўз келажакларини мустақил равишда ҳал қилиш имкониятини сақлаб қоладилар.

Ажралиш жараёнида энг кескин жанглар, албатта, болалар учун олиб борилади. Агар ҳар икки ота-она ҳам болалар у билан яшашини хоҳласа, адвокатлар қўшнилар, дўстлар ва танишларни топиб, ўз миждозини яхши, бошқа ота-онани эса ёмон кўрсатиш учун гувоҳлик беришга мажбур қилади. Бу нафақат собиқ турмуш ўртоқлар учун энг ёқимсиз ҳолатлар, балки бутун оила келажаги учун ҳам энг зарарли ҳолатлардир: бундай ажралишдан сўнг ота-оналар ҳамкорлиги жуда қийин, баъзида эса имконсиз бўлади.

Ажралиш давомида ҳам эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳақида гапириш мантиқсиз эмас. Кўпгина эр-хотинлар, айниқса, болалари бўлса, ажралишдан сўнг ўзларини бўш ва яққаланиб қолишни истамайди. Шунинг учун улар ажралиш фалокат бўлиши шарт эмаслигини ва никоҳни ўзаро ҳурмат билан тугатиш мумкинлигини тушунишлари керак. Ажралиш муносабатларни тугатишни англамайди, балки муносабатларни ўзгартириш учун янги бошланғич нуқта бўлиши мумкин. Бу янги муносабатлар севги ва яқинликка эмас, балки янги босқични бошлаш учун имконият бўлиши мумкин. Бу муносабатлар энди севги ва яқинликка эмас, балки ўзаро ҳурматга асосланади. Ҳатто жуфтликнинг фарзандлари бўлмаса ҳам, улар умумий дўстлар ёки бошқа турмуш ўртоғининг оила аъзоларига нисбатан ижобий ҳис-туйғулар туйғули ўзаро муносабатларини сақлаб қолишлари мумкин.

Болаларни тарбиялаш бўйича келишувни тузишда медиациянинг ўрни

Болаларни тарбиялаш бўйича медиация келишуви уларнинг руҳияти учун суд қарори кўра афзалроқ. Оилавий медиация борасида маҳалла органларининг ваколатлари доирасида медиатив келишувга эришилмаган тақдирда, лоақал ажралиш медиацияси ёки бунинг натижасида болаларни тарбиялаш бўйича келишувни тузишда медиацияни қўллаш аҳамиятлидир.

Суд қарори бўйича ота-оналардан бири болалар тарбиясига жавобгар бўлади. Иккинчи ота-она учун эса бу қуйидагиларни англатади: «Сен ойда фақат икки марта, дам олиш кунлари болаларни кўра оласан. Лекин молиявий қўллаб-қувватлаш сенинг мажбуриятинг. Пулни қандай сарфлашни сен ҳал қила олмайсан, шунчаки уни бошқа ота-онага юбор. Биз сенга ишонмаймиз, шунинг учун пулни тўғридан-тўғри маошингдан ушлаб қоламиз. Агар бунга қарши чиқсанг, сени ёмон ота ёки она деб топамиз»¹⁶.

Медиация келишуви суд қарорига қараганда ота-оналарнинг эҳтиёжларини ва болаларнинг фаровонлигини яхшироқ таъминлайди. Масалан, агар болалар ким билан қолиши ҳақида тортишув бўлса, медиатор гувоҳларни чақирмайди. У болалар психологи мутахассисини таклиф қилади, бу мутахассис бола билан суҳбатлашади, ота-оналар билан учрашади ва энг яхши ечимни тавсия қилади. Мутахассис болаларнинг ота-онаси билан учрашиши ёки янги уйга кўчиши каби ҳолатларнинг қандай таъсир кўрсатишини баҳолайди.

Агар медиатор ота-оналарнинг ўзлари психологик ёрдамга муҳтож эканлигини сезса, уларга психолог билан учрашишни тавсия қилиши мумкин. Психолог уларнинг ажралиш натижасида юзага келган ҳис-туйғуларини тушунишга ва бартараф этишга ёрдам беради. У ота-оналарга муносабатларининг бузилиш сабаблари ҳақида тушунтиради ва салбий ҳис-туйғулар ўрнига тушуниш ва ҳурматни келтиришга ёрдам беради.

¹⁶ Erickson and McKnight 102-103,99

Қолаверса, медиатор болаларга ота-оналарининг ажралишига тайёрлаш учун қуйидаги саволларни бериши мумкин:

- Ота-онангиз жаҳл қилганда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?
- Салбий ҳис-туйғулар бўлганда ўзингизни қандай овутасиз?
- Агар сизда ота-онангиз идеал бўлишига ёрдам берадиган бир тилак бўлса, у қандай бўларди, ҳатто улар турли уйда яшаса ҳам? Бу қандай тилак?
- Идеал ота ва она турли уйда яшаганда қандай бўлишларини тасаввур қиласиз? Улар нима қилишлари керак? Улар қандай гаплашишлари керак? Улар фарзандларига нима демасликлари керак?
- Ота-онангизнинг салбий ҳис-туйғуларини енгишга қандай ёрдам бера оласиз?

6. ОИЛАВИЙ МЕДИАЦИЯНИ МАҲАЛЛАДА ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Маҳаллаларда оилавий медиацияни қўллаш бўйича қуйидаги йўналишларда тадбирларни амалга ошириш мумкин:

1. Ҳар бир томон учун савол карталарини ишлаб чиқиш орқали мулоқот жараёнини бошқариш, саволлар бериш орқали томонларни хабардор қилиш. Профессional тарзда берилган саволлар ёрдамида медиатор ҳиссиётларни масаланинг моҳиятидан ажратишга ёрдам бериши, юзага келган муаммога кенгроқ қарашни таклиф қилиши ва бошқа томоннинг нуқтаи назарини тушуниши керак. Медиатор ахборот алмашинуви ва қайта ишлаш тартиб-қоидаларини назорат қилиб, тарафлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бу томонларга умумий тил топишга ва ҳақиқий бўлмаган умидларни енгишга ёрдам беради. Медиатор шунингдек, ижодий ечимлар ва яқуний келишувни ишлаб чиқишни таклиф қилиши мумкин.

2. Пассив тинглаш техникаси. Медиатор бошқа томонни хотиржам тинглашга ишонтириши керак. Туйғуларни совутиш учун вақти-вақти билан саволлар бериш ва ҳиссий баҳолардан қочиш орқали томоннинг позициясини аниқлаб олиш муҳимдир. Медиатор муҳим томонларни айбловлар билан суҳбат қурмасликка ва урушда хатога йўл қўймасликка, ҳар қандай айбловчи тузилмаларни қўллашга ишонтириши керак, лекин одамни тўхтатмасдан тинглаши керак.

3. Ақлий ҳужум техникаси. Томонларнинг позицияларида баҳслашишда хатоларни аниқлаш, уларни ҳар бир томонга тушунтириш ва аргументация назариясининг асосий қоидаларидан фойдаланган ҳолда уларни тузатишга ёрдам бериш. Мисол учун, у тарафларини талаб қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатнинг матнини ўқиб чиқиши мумкин. Томонлар тавсия ва таклифлар билдиришда, ўз фикрларини билдиришда янада эҳтиёткор бўладилар.

4. Ҳар битта келишувга эришиш онларига эътибор бериш.

Ҳар бир томоннинг ҳар қандай ижобий ҳаракатлари учун воситачи томонидан психологик қўллаб-қувватлаш, бундан ташқари, ҳар қандай ижобий натижаларни биргаликда нишонлаш.

5. Фаол тинглаш ва парافразлаш техникаси. Томонларнинг позицияларини бирлаштириш, эришилган келишувларни ойдинлаштириш. Медиатор унга айтилган ҳамма нарсани такрорлаши ва низо иштирокчисига ўзи ҳақидаги ҳикоясини бир вақтнинг ўзида медиаторнинг оғзидан эшитиш имкониятини бериши керак.

Оилавий медиаторликдаги қайта тикловчи усуллар - бу медиатор томонидан томонларнинг бир-бирини тушуниш қобилиятини тиклаш учун шарт-шароит яратадиган ва низо ёки ноқонуний вазиятлар натижасида юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул вариантлари (керак бўлса, етказилган зарарни қоплаш) тўғрисида келишиб олиш усуллари дир. Агар эр-хотин буни хоҳламаса, муносабатларни тиклашга уриниш мумкин эмас. Агар медиатор муносабатлар ҳали тугамаганлигини ва тикланиши мумкинлигини кўрса, у тарафга ярашувда ёрдам бериши ва уни оилавий психология бўйича мутахассисга юбориши ёки тегишли малакага эга бўлса, ўзи психологик хизмат кўрсатиши керак. Оилавий медиация технологиясидаги қайта тикловчи усуллар томонларнинг бир-бирини тушуниш қобилиятини тиклаш ва улар учун мақбул бўлган муаммоларни ҳал қилиш вариантларини келишиш учун шароит яратишга имкон беради.

Қайта тиклаш усуллари доирасида, асосийси, конфликтни тиклаш деб аталадиган ҳаракатлардан (кечирим сўраш, етказилган зарарни чин дилдан қоплаш истаги), яъни вазиятнинг оқибатларини тузатишга ёрдам берадиган ҳаракатлардан фойдаланишдир. .

Медиация жараёнининг сўнги босқичида медиатор томонлар билан алоҳида - алоҳида гаплашиб олиши зарур.

Маҳаллаларда оилавий медиацияни қўллаш бўйича қуйидаги йўналишларда тадбирларни амалга ошириш мумкин:

1. Ташкилий-психологик ишлар:

а) тарафларнинг бир-бирига бўлган муносабатларининг агрессивлик даражасини пасайтириш ва уни мувозанатлаштириш.

Ушбу жараёнларни ёритишдан аввал биз агрессия тушунчасининг мазмун-моҳиятини билишимиз лозим. Агрессия - кимгадир зарар етказишга йўналтирилган жисмоний ёки вербал (нутқли) хулқ ҳисобланади. Агрессия ҳаётда икки хил кўринишида пайдо бўлади.

Биринчиси, душманлик агрессияси - ғазабдан пайдо бўладиган ва шахсий мақсадга айланган агрессия.

Иккинчиси, инструментал агрессия - бирон-бир мақсадга эришиш воситаси бўлган агрессия.

Баъзи инсонлар туғилишиданоқ ўзининг характерида агрессияга мойилликни намоён эта бошлайди. Бироқ бундай инсонлар ҳам болалигиданоқ маънавий ва психологик нуқтаи назардан яхши ва тўғри тарбия қилинсалар, улар ўзларини агрессияни чеклаш ва бировларга таҳдид солмаслик даражасига ушлаб туришга эришадилар.

Табиий агрессияга мойиллик ўзини турлича намоён қилади.

Масалан, қарияларнинг узоқ ҳаётдан чарчаш, касалликлардан ўзини озод этиш ниятидаги яқинлари, қариндошларига нисбатан бўлган агрессияси, эрнинг хотинга бўлган бесабаб агрессияси ва ўз хотинини вақти-вақти билан уриб туришни уни "тарбиялаш" усули сифатида баҳолаши ва ўз "фалсафаси"га ишониши, рашк оқибатидаги агрессия, 14-15 ёшли ўғил болаларнинг кўчама-кўча жанг уюштиришлари кабилар турли агрессия кўринишларидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, оилавий низолардаги муносабатлар оқибатида юзага келадиган агрессия асосан инструментал агрессия кўриниши ҳисобланади. Шу боис, оилавий низоларни кўриш жараёнида эр-хотиннинг агрессивлик даражасини суҳбат бошидан англаш зарур. Агарда суҳбат давомида эр ёки хотиннинг кайфияти бузилиб, агрессивлиги ошган ҳолларда вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиш лозим.

Сиз маҳаллангиздаги оилавий низоларни кўриб чиқаётганингизда, албатта томонларни қўни-қўшниси, танишлари ёки кўчабоши ва

уйбошиларидан агрессивлик ҳолатини суриштирганингиз маъқул. Суриштирув давомида томонлардаги агрессивлик даражаси юқори баҳоланган тақдирда, оилавий низоларда ҳал этишда томонларга агрессивлик даражасини инобатга олган ҳолда муносабатга киришишингиз сизни муносабатларни мувозанатлаштиришга эришингизга олиб келади.

б) тарафлар бир-бирининг шахсиятига тегадиган гапларни айтишига ва ножўя ҳаракатлар қилишига йўл қўймаслик.

Томонларни суҳбат бошидан бир-бирига нисбатан ҳурмат сақлаш ва турли уятсиз ҳамда ҳақоратомуз сўзларни ишлатишлари ман этилганлиги ҳақида огоҳлантириш керак.

Суҳбат бошидан томонларни ҳақорат қилиш ҳолати бўйича қонунчиликда жавобгарлик белгиланганлигини эслатинг.

Масалан, томонларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги ва ушбу ҳуқуқбузарлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини тушунтиринг.

Ёки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасини эслатинг ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши бўйича огоҳлантиринг.

Томонларга шундай ҳолатлар рўй берган тақдирда маҳалла фуқаролар йиғинлардаги профилактика инспекторига хабар беришга мажбур эканлигини тушунтиринг.

в) музокара жараёнини бошқариш ва уни конструктив ўтишини таъминлаш.

Оилавий низоларнинг ечими ҳал бўлаётган ёки томонлар муросага келаётган вақтда томонларни ўзаро келишишларни доимий равишда бошқарилиб турилиши зарур. Улар бир-бирини ҳурмат қилишлари ва ўзаро манфаатли мулоқот ўрнатилишини таъминлаш керак.

Сиз томонларни маҳалла биносига ёки унинг яшаш манзилида музокара ўтказадиган бўлсангиз, албатта музокара жараёнини бошқаришингиз ҳамда икки томонни манфаатларини аниқлаб олишингиз лозим.

Масалан, томонларнинг манфаатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасидан *"Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.*

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади." иқтибос келтиринг.

Шунингдек, музокара давомида томонларнинг ҳар бир сўзини ҳурмат билан эшитинг ва эътибор билан ҳамма гапларини тушунишга интилинг.

Музокарада низонинг асосий мазмунига риоя қилинг ва музокара давомида ўз мақсадларингизни равшанлаштириб боринг.

Ўтказилган музокаралар натижаси бўйича тарафлар учун мажбурий бўлган қарор қабул қилишга ҳаракат қилинг.

г) тарафларни ўз фикрларини эркин билдириши учун тенг имкониятларни яратиш.

Эр-хотин ўртасидаги муносабатларни эшитиш давомида томонларга бирдай имконият бериш лозим. Вазиятга кўра, икки томони навбат билан эшитиш ва уларнинг бир-бирига ўзаро ҳурматда бўлишларини уқтириш, бир-бирини гапига қўшилмаслик ва бўлмасликларини таъминлаш зарур.

Томонларини ўз фикрларини эркин билдиришларида икки тарафга бир хил вақт ажратинг. Бу тарафларни ўз фикрларини билдиришида адолатли бўлишига ёрдам беради.

Агарда томонларга берилган вақтдан ўтиб кетадиган бўлса, тарафларга қанча вақт берилганлигини эслатган ҳолда, ҳолатни сўзлаётган шахснинг фикрини тугатишга ҳаракат қилинг.

Бундан ташқари, икки томонга ҳам бир шариот яратишга ҳаракат қилинган, тўғри кўпгина ҳолларда аёл кишини ҳурмат қилган ҳолда унга ўтириш учун жой ажратилади. Шундай ҳолатларда эркак учун ҳам низони кўриб чиқаётган пайтда уни ўтиришга мўлжалланган жиҳозлар билан таъмирланг.

д) томонларни мурасага келиши учун қулай шарт-шароит яратиш.

Оилавий низолар кўриб чиқиладиганда атроф-муҳит яъни жой ва бино таъсир қилади. Одамлар гавжум бўлган ёки жамоат жойларида низолар самарали ҳал этиш қийин кечади.

Кўпгина ҳолларда шахслар одамлар гавжум ва жамоат жойларидаги бегоналар олдида оилавий низоларни келиб чиқиш сабабларини маълум қилишдан уялиб, тортинчоқлик қилишлари мумкин.

Масалан, сиз маҳалла биносига эр-хотинни чақирдингиз ва шу пайтда хонада яна шу маҳаллада истиқомат қилувчи бегона шахслар бошқа мақсадда чақирилган бўлса, аввало бегона шахсларни хонадан чиқиб кетмагунларича эр-хотин ўртасидаги суҳбатни бошланг. Эр-хотинни бироз кутиб туришини маълум қилинг. Бегона шахслар хонадан чиқиб кетганидан сўнг, эр-хотинни хонага таклиф қилиб, узр сўраган ҳолда суҳбатни бошланг.

Маҳалладаги бошқа бегона шахслар олдида эр-хотин ўз мақсадларини маълум қилмасликлари мумкин.

Шу боис, иложи борича бегона шахслар безовта қилмайдиган жойларда томонларни муроасага келтириш осонроқ кечади.

Бундан ташқари, кўчада ёки бегона шахсларнинг уйида оилавий низоларни ҳал этманг.

2) Маънавий-маърифий ишлар:

а) эр-хотин, ота-она ва фарзанд ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг маънавий ва ҳуқуқий мажбуриятлари юзасидан суҳбатлар ташкил этиш.

Давра суҳбатларда эр-хотин, ота-она ва фарзанднинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни батафсил тушунтириш керак.

Суҳбатлар давомида эр-хотин, ота-она ва фарзанд ҳамда қариндошлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бўйича ҳуқуқшунос мутахассисларни жалб қилиш лозим.

Масалан, “Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” мавзусида юридик маълумотга эга бўлган, оила ва фуқаролик ҳуқуқини яхши ўзлаштирган мутахассис зарур. Чунки, ҳар қандай юридик маълумотга эга бўлган шахс, оила ва фуқаролик ҳуқуқини яхши ўзлаштирамаган бўлиши мумкин.

Одатда, давра суҳбатлари ва учрашувларда фуқаролар кўпинча алимент, битимлар, ҳадя ва мерос каби фуқаролик ишлари бўйича мурожаат қилишлари кузатилган. Шу боис, давра суҳбатлари ва

учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодексидан оила масалаларига тааллуқли бўлган нормаларини тушунтирилиши лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 4-боби. Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича келтириб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, бугунги кунда маҳаллаларда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Ҳуқуқий тарғибот куни” этиб белгиланган. Чоршанба кунлари туман (шаҳар) адлия бўлимлари, юридик хизмат кўрсатиш марказлари, ФХДЁ органлари, давлат хизматлари марказлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда аҳоли ўртасида эр-хотин, ота-она ва фарзанд ҳуқуқ, мажбуриятлари ва эркинликлари тўғрисида ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш бўйича учрашувлар ўтказиш мумкин.

б) оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини томонларга сингдириш бўйича давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш.

Маҳаллаларда оилавий низоларни ҳал этувчи соҳа мутахассислари ва экспертлари иштирокида “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти”, “Ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти”, “Маърифатли жамиятни қуришда маърифатли оналарнинг роли”, “Оила — муқаддас” тушунчаси”, “Соғлом оила – соғлом жамият асоси” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув ва кечаларни ташкил қилиш мумкин.

Давра суҳбатлари, учрашув ва кечаларга мавзу йўналишидан келиб чиққан ҳолда мутахассисни жалб қилиш лозим.

Жумладан, “Оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни” мавзусида таълим муассасалари, айниқса олий ўқув юртларида ишловчи ўқитувчи ва психологлар иштирокида оила психологиясини тушунтириш мумкин.

Оила психологиясидан мисол келтиринг *“Ҳар бир жамиятнинг бетакрор кадриятлари, ўлмас мероси, авлоддан авлодга ўтиб борадиган анъаналари бўлади. Фуқаролик ҳолатлари, маданий ўсиш, маънавий юксалишга хизмат қилувчи кадриятларнинг сақланиб келаётганлиги ҳам оила туфайлидир. Масалан, шундай оилалар сулоласи борки, улар асрлар оша у ёки бу муқаддас кадриятларни касб-кори, турмуш тарзи орқали сақлаб келади (рассомчилик, санъатшунослик, хунармандчилик, гулчилик, кулолчилик, илмий мерослар, аграр соҳада ва х.э).*

Умуман одамлар жамиятининг сақланиб қолишида ҳам оила айрим алоҳида олинган шахс билан яхлит жамият ўртасида ўзига хос "буфер" - кўприк ролини ўйнаб келмоқда. Зеро, маданий ва маънавий кадриятларни сақлаб, авлоддан-авлодга етказишда давлат ва жамиятдаги таълим муассасалари, маданият ўчоқларининг ҳам муайян роли бор, лекин уларда ўзгаришлар тез-тез рўй бергани сабабли, уларнинг авлодлараро муқаддас саналиб келинаётган кадриятларни асраб-авайлашдаги роли оилачалик юқори бўлолмайди. Шунинг учун давлат оиланинг мустаҳкам ва фаровонлиги, одамларнинг унда тинчлик, хотиржамликда яшашларидан ҳаммиша манфаатдор эканлиги сабабли ҳам муайян қонунлар ва юридик тизимни ушлаб турадики, улар орқали нафақат никоҳнинг ўзи, балки ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳам мувофиқлаштириб боради. Ўзбекистонда ёш оилаларга кўрсатилаётган мурувватлар, бола туғилиши ва катта бўлиши учун суюнчи пули, нафақаларнинг белгиланиши, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза қилинаётганлиги, ота ёки она фарзанд олдида ўз бурчини бажармаган тақдирда моддий, маънавий, ҳатто, жиноий санкциялар орқали жазоланиши ушбу ноёб масканни мустаҳкамлаш, у орқали миллий ва умуминсоний кадриятларни кейинги авлодлар учун сақлаш вазифасини бардавом этишдан иборатдир."

Бундан ташқари, Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бошқармалар ва ҳамда туман (шаҳар) бўлимларида доимий асосда фаолият юритувчи "Оқила аёллар" ҳаракати йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир маҳаллада Ҳаракатнинг бошланғич гуруҳлари ташкил этилган.

"Оқила аёллар" ҳаракатининг маҳаллалардаги бошланғич гуруҳлари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан оила муқаддаслигини тарғиб қилувчи учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиниши мумкин.

в) ичкилик ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида профилактик тадбирларни ташкил қилиш.

Кўпгина ҳолатларда оилавий низоларни келиб чиқиши эр ёки хотиннинг алкоголь ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш сабаби сифатида келтирилади. Шу ўринда, алкоголь ва гиёҳвандлик

воситаларини истеъмом қилиш инсон саломатлигига жиддий таъсири ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш керак.

Бунда наркологиқ шифокорларни жалб қилган ҳолда ҳаётий мисоллар билан аҳолига гиёҳвандлик воситаларини салбий оқибатларини тушунтириш мумкин.

Масалан, наркологиқ шифокорлар *"Гиёҳвандлик кўчасига кириб қолиш кишиларда турли хилда кечади. Баъзилар тўқликка шўхлик қилса, бошқалар ўзи билмаган ҳолда алдовлар натижасида унинг қурбонига айланади. Ушбу иллатга ружу қўйганларнинг, айниқса, ёшларнинг бу ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит ёки безътиборлик сабаб бўлади. Ёшларнинг бўи вақтини бекор ўтказиши, ота-оналарнинг фарзандини ҳаддан ташқари эркалатиши ва улар тарбиясига бепарволиги юқорида келтирилган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фарзанднинг соғ-саломат дунёга келиши, униб-ўсиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, энг аввало, оила бошлиқларига боғлиқ. Бу борада меҳрибон ота-оналар зиммасига катта масъулият юкланади. Демак, "Аср вабоси" деб аталувчи гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашишга фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, жамиятдаги ҳар бир инсон масъул. Мақсад эса, дунёни гиёҳвандлик балосидан сақлаш, инсоният саломатлигини асрашдир. Гиёҳвандлик - инсон маънавиятига зид бўлган, унинг ижтимоий-руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган ғоят хатарли иллат, бедаво хасталиқ. Мутахассисларнинг фикрига кўра ўртача йигирма беш йил умр кўришлиги, гиёҳванд фақатгина ўз соғлигини йўқотмай, балки ўз ҳаттиҳаракатларини ҳам назорат қила олмаслиги, у нафақат бир шахсни, балки бутун бир халқни, миллатни йўқ қилиб юборишга қодирлиги ва гиёҳвандлар асосан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлиб аксарияти ўзига тўқ оилалардан бўлиб, гиёҳвандлик ижтимоий хавфга ҳам эга эканлиги, ҳақида аҳолига тушунтириши мумкин.*

Ёки бўлмаса, алкоголь маҳсулотларининг зарарли оқибатлари қуйидагича маъруза қилиш мумкин:

"Спиртли ичимлик истеъмом қилган одамнинг танасида 3 кунгача заҳарли моддалар сақланиб туради. Агар ичкилик ичиш кетма-кет 2

Маҳаллада оилавий медиацияни жорий этиш бўйича методик тавсиялар

кун (ва ундан ортиқ) давом этса, бу моддалар ўн барабар кучайиб, унинг танадан чиқиб кетиши янада қийинлашади. Ошқозон яллиғланиши, юрак хасталикларининг бир неча турлари, хафақон ва бошқа ички аъзоларда пайдо бўладиган турли муаммолар ичкилик оқибатидандир.

Алкоголизм аёлларда эркакларга нисбатан оғирроқ кечади. Биринчидан, аёллар эркакларга нисбатан алкогольга тезроқ ўрганиб қолади. Агар эркак алкоголизмга учраши учун 7-10 йил мунтазам ичиши керак бўлса, аёл 1-3 йил мобайнида ичкиликка ўрганади. Ичкиликбоз аёлларнинг кўпчилигида оналик меҳри, оила ва болалари олдидаги масъулият ҳисси йўқолади.

Шунингдек, дастлабки вино қадаҳи қанчалик ёшликдан ичилса, унинг оқибати шунчалик оғир ва аянчли бўлади. 14-16 яшар ўғил ёки қиз болага берилган бир қадаҳ вино катта ёшли одамнинг бир шиша ароқ ичгани каби ёмон таъсир этади.

Асло эсдан чиқарманг ҳурматли фуқаролар алкоголизм даволаб бўлмас касаллик эмас. Жойлардаги психоневрологик, наркологик диспансерларда фаолият кўрсатаётган шифокор-мутахассисларга мурожаат этиш, уларнинг маслаҳатлари билан иш тутиш зарур. Бунинг учун фақат ақл, идрок, мустаҳкам ирода бўлиши муҳим."

2) оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни жонли ва ҳаётий мисоллар асосида ўтказиш.

Давра суҳбатлари ва учрашувларда оила мустаҳкамлаш бўйича маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг ҳаёти ёки оилавий ажримни салбий оқибатларига бағишланган воқеаларни айтиб бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолардаги мажлис ўтказишга мўлжалланган залда фуқаролар учун оилавий қадриятларни асраб-авайлашга қаратилган ҳужжатли фильмлар ва видеороликлар намойиш этиш мумкин.

Албатта, бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник имконияти талаб даражасида бўлиши лозим.

3) Диний-ахлоқий ишлар:

а) тарафларни оила муқаддаслиги тўғрисидаги диний билимларини юксалтириш орқали муросага келтириш.

Динимизда оила қуришга тарғиб этиш билан бирга, уни яхшилик билан тутишга буюрилган. Оила жамиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Оиланинг шаклланиши ва ривожланиши жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатлар билан бевосита боғлиқ. Жамият ҳаётида бўлиб турадиган ўзгаришлар, кишиларнинг турмуш тарзи, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари, миллий ахлоқ меъёрлари, психологияси, диний эътиқодлари ҳам оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий мезонларига таъсир кўрсатиб келган.

Оила муқаддаслиги тўғрисидаги масалаларни ўрганар эканмиз, унда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий, ахлоқий асослари, ота-оналарнинг жамият ва фарзандлари олдидаги бурчлари доим олимларнинг диққат марказида бўлган. Шунингдек, ёшлар оиланинг буюк маънавият, қадрият, бурч ва масъулият эканини англаб етмоқлари зарурлиги, йигит ва қизлар мустақкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида ёшлигидан тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари лозим. Чунки, оиладаги ҳаёт, ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабати ҳам ана шундай тушунча ва тасаввурлар шаклланишининг асосий шартларидан биридир.

Бу хусусда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан куйидаги ҳадис ворид бўлган: *"Ал-Муғийра бин Шуъба розияллоҳу анҳу айтадилар: Мен бир аёлга совчи кўйдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан: "Уни кўрдингми?", деб сўрадилар. Мен: Йўқ, дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Уни кўргин, кўриб (билиб) турмуш қуришлик ўртангизда улфат ва муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади",* дедилар (Имом Термизий ривояти).

Соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш эса соғлом келажак демакдир. Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар

қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини ҳам тан олишимиз даркор.

Динимизда оила қуришга тарғиб этиш билан бирга, уни яхшилик билан тутишга буюрилган. Агар эр-хотин ўзаро келиша олмаган тақдирларида ислоҳ қилиш учун ҳар икки томондан ҳакамлар жалб этиш лозим бўлади. Қуръони каримда шундай дейилган: *“Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар (эр-хотин) ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштирғай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир”* (Нисо сураси, 35-оят).

Ушбу ояти каримадан эр-хотиннинг орасини ислоҳ қилиш ғоят савобли амал экани аён бўлади. Шунинг баробарида, оилани сақлаб қолиш масаласига жамият аъзолари бефарқ бўлмаслиги шариатимиз талабидир. Илло, динимиз бўлинишни, ажралишни эмас, бирлашишни, жипсликни ёқлайди.

Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган.

б) оилавий низоларни олдини олишда эр-хотин ўртасидаги бурч (оила аъзоларга ўзаро ҳурмат, эрга итоат қилишлик, аёлнинг яқинларини камситмаслик, аёлга нисбатан ҳурмат сақлашлик ва ҳоказо) ва вазифаларни тўғри тақсимлашни тушунтириш.

Оиланинг тинч, фарзандларнинг бахтли бўлишида эр-хотиннинг ҳар иккиси ҳам оиладаги ўз бурчларини астойдил адо этишга интилиши даркор. Бундан ташқари, Исломда эрнинг аёли олдида, аёлнинг эри олдида бурчлари бор.

Хотиннинг эр зиммасидаги ҳаққи эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасида маҳр ва нафақа сингари шахсий ва молиявий ҳақлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Эр ўз аёлига яхши ва адолатли муомала қилиши даркор. Зеро, Аллоҳ таоло Ўз Китобида: *“Аёллар билан яхшилик ила турмуш кечиринг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсда*

кўплаб яхшиликларни пайдо қилса!", дея амр этган (Нисо сураси, 19-оят). Бу амр эрнинг аёлига нисбатан яхши муомалада бўлишини, табиатидаги айрим камчиликларига сабр қилишини, баъзи хатоларига кўз юмишини тақозо этади. Қолаверса, аёлни тарбиялаш ва унга дунёю охиратда фойдаси тегадиган нарсаларни ўргатиб, таълим беришни ҳам назарда тутди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида: *"Мўмин эр мўмина хотиндан нафратланмасин, агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқа хулқи туфайли ундан рози бўлиб кетаверади"*, дейилади (Имом Муслим ривояти). Яъни, эр аёлининг айрим феълидан ғазабланса, оилани бузиб юборишга шошилмаслиги, шу туфайли хотинини ёмон кўриб қолмаслиги лозимлиги, балки унинг яхши одатларини ҳам кўз олдига келтириб, хотиржам юриши керак. Шунингдек, эр хотинига хушфеъл бўлиши, унга яхши муомалада бўлиши, бирга фаровон ҳаёт кечириши, озор етказмаслиги керак. Бу билан эр Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига амал қилган бўлади.

2. Аёлнинг эри зиммасидаги иккинчи ҳаққи маҳрдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда эрларни аёлларнинг бу ҳаққига риоя қилишга чақириб: *"Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз"* (Нисо сураси, 4-оят), деб амр этган.

3. Эр хотиннинг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулойим бўлиши, унинг хатоларини кечириши керак. Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилишни билдиради. Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: *"Расулulloҳ (с.а.в.)дан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирор кишини кўрмадим"*.

4. Эркак аёлининг ор-номусини сақлаши керак. Оқибати яхшилик билан тугамайдиган ҳар қандай ҳолатга бепарво бўлмаслик лозим. Аммо, ёмон ҳаёл, ўта талабчанлик ва гумонда ҳаддан ошиш дуруст эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарганлар. Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан бундай ривоят қилади: *"Расулulloҳ (с.а.в.) эрни оиласини хиёнатда гумон қилиб, уйга кечқурун келишдан қайтарганлар"*.

5. Эр ўз аёлининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исроф этмай, етарли даражада таъминлаши даркор. Эр оиласига сарфлаган харжлари учун ажр ва савобга эришади. Имом Бухорий ва Муслимнинг *"Саҳиҳ"* китобларида бундай ҳадис келтирилган: *"Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхунинг ривоят қилишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: "Аллоҳ таоло розилигини устаб қилган ҳар қандай харжинг учун ажр оласан. Ҳатто хотининг оғзига солган таоминг учун ҳам сенга ажр бор"* деганлар. Албатта, нафақа масаласида эр ўзининг иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб иш кўради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: *"Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни, ўз бойлигига ярашадиган тарзда) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан (ўз ҳолига яраша) нафақа берсин. Аллоҳ ҳеч бир жонга Ўзи унга ато этган нарсадан бошқа нарсани юкламас. Аллоҳ танглик – камбағалликдан сўнг энгиллик – бойликни ҳам пайдо қилур"* (Талоқ сураси: 7-оят).

6. Эр хотинининг иффатини сақлаши лозим. Хотинини ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибдир.

7. Эр хотинини яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак. Ҳоҳласа, чидаб яшаши ёки яхшиликча ажрашиши керак.

Шу билан бирга, эрнинг ҳам ўз хотини олдида шаръий ҳақ-ҳуқуқлари белгиланган. Зеро, оиланинг давомийлиги эр-хотиннинг бир-биридан розилиги ва ҳақларини адо этишига боғлиқ. Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуйидагилар:

1. Хотиннинг эр олдидаги энг биринчи бурчи – бу аёл кишининг эрига нисбатан ҳурматли ва итоаткор бўлишидир. Аёл Аллоҳга маъсият ҳисобланмайдиган барча ишда эрига итоат қилиши лозим. Аёл киши оилада ўжар-қайсар бўлса, ундай оиланинг давомийлиги ва мустақамлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аёлнинг эрига ҳурматли бўлиши нақадар буюк фазилат ва бахт экани ҳақида Набий соллаллоху алайҳи васаллам бундай марҳамат қилдилар: *"Аёл беш вақт намозини ўқиса, (йилда) бир ой (фарз) рўзасини тутса, ўз*

фаржини ҳаромдан сақласа ва эрига итоат қилса, унга "жаннатнинг истаган эшигидан кир!", дейилади" (Табароний ривояти).

2. Аёл киши мубоҳ ишларда эрига итоат қилиши доирасига аёл киши эрининг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги, унинг рухсатисиз нафл ҳаж қилмаслиги, унга айтмасдан уйдан чиқмаслиги, унинг розилигисиз уйдаги нарсалардан бировларга садақа ва эҳсон қилмаслиги ҳам киради. Шариатда эрга итоат қилиш аёл кишига вожиб бўлишининг ҳикматларидан бири шуки, эрнинг ўз аёлидаги ҳақлари ва фазли оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан буюқдир. Эр туфайли аёл оиланинг ҳурматли бекасига айланади, ёмон кўзлардан ва ёмонлардан муҳофаза қилинади, ҳимояланади.

3. Аёл киши асосий вақтини фарзанд тарбияси билан ўтказиши лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Барчангиз раҳбардирсиз ва барчангиз қўл остингиздагилардан сўралурсиз. Амир раҳбардир. Эр киши ўз оиласига раҳбардир, аёл киши эрининг уйида ва унинг фарзандларига раҳбардир"*, дейдилар.

4. Хотин эрининг ҳаққини ҳурмат қилиши керак. Чунки, зиммасидаги эрининг ҳаққи каттадир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар: *"Аёл киши учун эри борида унинг изнисиз уйига бегона эркакни киритиши ҳалол бўлмайди"* (Имом Бухорий, Муслим ривоят қилган).

5. Аёл киши Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Хотин киши ночорлиги учун ғазабланмаслиги ва оҳ-воҳ урмаслиги лозим. Балки, хушнудлик ва қаноат либосини кийиб, эрининг ризқ топишдаги машаққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан кўрқиб, ундан ҳожатдан ортиғини талаб қилмаслиги лозим. Аксинча, эрини ҳам қаноатга ундаб, ҳаром йўллардан огоҳлантириши зарур. Момоларимиз эрларини кузатаётиб бундай дерди: *"Ҳаром касбдан сақланинг! Биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо дўзах оловига чидай олмаймиз"*. Аёл киши эрининг туйғуларини ҳурмат қилиши, у ёқтирмайдиган ёки унга озор берадиган ишлардан йироқ бўлиши ва эрининг молиявий шароитини ҳисобга олиши, эрининг

уйдан ташқаридаги масъулиятини қадрлаб, уйга кеч келишидан безовта бўлмаслиги ёки бу борада эрига босим ўтказмаслиги лозим. Шунингдек, эри тоқат қилолмайдиган даражада пул талаб қилмаслиги даркор. Баъзи аёллар нуқул бошқа оилаларда эрнинг хотинига сарфлаган нарсаларини мисол қилиб, эридан худди шундай таъминот талаб қилади. Аёл киши эрини қадрласа, унга миннатдорлик туйғуларини ўзининг муомаласи ва хатти-ҳаракатлари билан изҳор қилса, Аллоҳ ундай аёлдан рози бўлади.

6. Хотин эрининг дўстига нотанишдек бўлиши лозим. Эри уйида бўлмаганида, унинг дўсти эшик қоқса, у билан сўзлашмаслиги керак. Акс ҳолда, бу рашк ва жанжалга сабаб бўлиши мумкин.

7. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар бой бўлса, моли билан ғурурланмаслиги керак. Бундан ташқари, эрнинг қариндошларини ҳам ҳурмат қилиши ва қадрлаши лозим.

8. Хотин фарзандларини ҳам ҳурмат қилиши, уларни уришиб, лаънатлашдан тийилиши лозим. Бу фарзанд тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Албатта, Эр – оила раҳбари. Аёл эрига ҳурмат ва итоатда бўлса, фарзандлар ҳам отага итоатда бўлади. Натижада, оилада аҳиллик, муҳаббат ҳукм суради ва у оила мустаҳкам бўлади. Аёлнинг эрига итоатсизлиги эса оиланинг бузилишига ва бошқа кўплаб нохушликларга сабаб бўлади. Аммо, бу аёл киши хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам оилада яшашга мажбур, унинг ажрашишга ҳаққи йўқ, дегани эмас. Исломда аёл киши ҳам ажрашиш ҳуқуқига эга.

в) инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини сақлаш бўйича шаръий аҳкомлардан мисоллар келтирган ҳолда эслатиш.

Исломда эр-хотин ўртасидаги муносабатнинг давомийлигини таъминлаш учун ўзига хос қонун-қоидалар жорий қилинган. Бунда оилавий ҳаётнинг асосий ташкилотчилари ва аъзолари бўлмиш эр ва хотиннинг ҳар бирига ўзига хос бурч ва вазифалар юкланган, бир-бирига нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Бу ҳақда Қуръоннинг бир қатор сураларида оятлар келтирилади: *"Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаби – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)*

дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир" (Нисо сураси, 34-оят); "Ва яхшилик ила уларнинг бурчлари муқобилида ҳақлари ҳам бордир" (Бақара сураси, 228-оят). Агар эр ва хотин бу қоидаларга амал қилса, бир-бирига нисбатан зиммасидаги бурч ва масъулиятини ҳис қилиб сидқидилдан адо этса, бундай оила бахт ва саодат қасрига айланади. Бундай оилада туғилган фарзандлар ҳам гўзал тарбия топади ва улардан жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар етишиб чиқади.

2) давра суҳбати ва учрашувларга имомлар ҳамда отинойларни жалб қилиш.

Бугунги кунда оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзи, диний билим ва кўникмаларни тарғиб этишда дин соҳаси вакиллари, шу жумладан отинойилар ва имом-хатибларнинг ўрни беқиёс.

Маҳаллаларда ўтказиладиган оилавий низоларни бартараф қилиш бўйича якка тартибдаги суҳбатларда эр-хотиннинг ўзаро муросага бориши, ғазаби келганда уни енгиши ва ширин сўзли бўлиши, шу билан бирга, оилавий сирларни кўчага олиб чиқмаслиги сингари тушунчаларни икки томонга тушунтириш учун туман, шаҳарлардаги имом ва отинойларни жалб қилиш даркор.

ХУЛОСА

Оилавий медиация оилавий муносабатлардаги низоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасидир. Ушбу қўлланма низоли томонларга ўзаро мақбул ечимларни топишга ва алоқани тиклашга ёрдам берадиган медиациянинг асосий тамойиллари ва усулларини кўриб чиқди.

Медиациянинг асосий афзалликлари ихтиёрийлик, махфийлик ва томонларнинг манфаатларига эътибор қаратишдир. Бу жиҳатлар медиацияни оилавий муносабатларни сақлаб қолиш ва барча иштирокчилар учун салбий оқибатларни минималлаштириш билан бирга узоқ давом этадиган ва қиммат суд жараёнларининг олдини олишнинг айниқса самарали усулига айлантиради.

Оилавий низоларда медиациядан фойдаланиш ўзаро тушунишни яхшилаш, ишончни мустақамлаш ва конструктив мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, барча оила аъзолари, жумладан, болаларнинг руҳий-психологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса медиация сессияларини ўтказишда профессионал ёндашув муҳимлигини таъкидлайди. Медиаторларнинг тайёргарлиги ва малакаси низоларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Медиацияни ривожлантириш ва оммалаштиришни давом эттириш, барча эҳтиёжмандлар учун ушбу хизматдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Оилавий медиация нафақат низоларни бартараф этиш, балки оилаларнинг ўсиши ва ривожланиши, қийинчиликларни енгиб, мустақамланиши учун имкониятдир. Умид қиламизки, ушбу қўлланма оилавий муносабатларнинг уйғун ва барқарорлигига интилаётган ҳар бир киши учун фойдали бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Отахонов Ф.Х. Низоларни муқобил ҳал қилиш. Альтернативное разрешение споров (Матн) // Мақолалар тўплами. –Т.:2022.-322 б.
2. Bernard, Julia M. "Divorce Mediation." Text, Digital Commons @ East Tennessee State University, 2019. <https://dc.etsu.edu/etsu-works/5798>.
3. [Bouden K.](#) Mediation: a better route to a good settlement? / "New Law Journal". 2017 у. https://www.familylaw.co.uk/news_and_comment/mediation-a-better-route-to-a-good-settlement.
4. Дронзина Т. Медиация (учебно-методическое пособие)/ Республиканское государственное управление «Қоғамдықкелісім», Исследовательский институт «Общественное мнение».– Астана, 2015. – 320 стр.
5. Коннов А.Ю. Понятие, классификация и основные виды альтернативных способов разрешения споров // Журнал Российского права. –№12. –2014.
6. Медиаторнинг ён дафтарчаси "Интернешнл Алерт"(International Alert) ва "Ҳалқарохолислик учун" Фонди, Бишкек, 2013 18 бет. www.international-alert.org.
7. Рустамбеков.И. Медиация: пособия для медиаторов / Ташкент: Vaktria press, 2019.-144 с. Б. 12.
8. Халмухамедов. К Низоларни ҳал этишда медиациянинг ахамияти, (илмий мақола),Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси, Олий хўжалик суди ахборотномаси,2015 йил 8-сон.
9. Виноградова Е.А. Альтернативное разрешение споров [Текст]: // Вестник Высшего арбитражного Суда РФ. 1997. №8, С. – 27.
10. Жўраев И. Низоларни ҳал этишда келишув битимининг ўрни / Нуқуқ ва бurch №3 (171) / 2020 –Б. 44-46.

11. Яковлев В.Ф. Закон свободного примерения // Медиация и право. – 2003, №1, с.13.
12. Жўраева Х. Медиация – муросаи мадора // “Huquq va burch”, 2019, №2, 50 – бет.
13. Ахмедова Г. Ўзбекистонда медиация ва нотариал фаолият: истиқболлар ва ривожланиши / Rewiew of law sciences. file:///C:/Users/user/Downloads/mediatsiya-i-notarialnaya-deyatelnost-v-uzbekistane-perspektivy-i-razvitie%20(1).pdf
14. Маликов Ф. Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари / Одил судлов. Ҳуқуқи, илмий-амалий журналъ №11. 2020. Б. 46-47
15. Халмухамедов К. Низоларни ҳал этишда медиациянинг аҳамияти(илмий мақола) Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси, Олий хўжалик суди ахборотномаси 2015 йил 8-сон.
16. Утениязов. Е. Медиация: халқаро тажриба ва амалиёт.// Huquq va burch , 2017 йил 10-сон www.huquqburch.uz
17. Масадиков Ш.М. Перспективы медиации как альтернативного способа разрешения гражданско-правовых споров в Узбекистане // <https://elibrary.ru>.
18. Гаффарова Ш.Н. Медиация - ижтимоий низоларни бартараф этишнинг муқобил усули сифатида // “Фуқаролиқ жамияти институтларини ривожлантириш ва ёшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари ” республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, 2018 йил 8 июнь, 120 бет.
19. Ёдгоров Х.ва бошқалар. Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти // Тошкент 2017 й. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган амалий қўлланма. –Б. 273

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. Оилавий низолар тушунчаси.....	5
2. Оилавий низоларни таҳлил қилиш усуллари	11
3. Оилавий низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари	20
4. Оилавий низоларни келишув ва музокаралар орқали ҳал этиш	24
5. Оилавий медиация ҳамда уни маҳаллада қўллаш	29
6. Оилавий медиацияни маҳаллада қўллаш бўйича методик тавсиялар.....	37
Хулоса	55
Фойдаланилган адабиётлар руйхати:.....	56

Х.Сайдивалиева, С.Марипова, С.Алимов, Р.Исамутдинов

МАҲАЛЛАДА ОИЛАВИЙ МЕДИАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Қўлланма

“Mahalla va oila” нашриёти
Тошкент – 2024

Нашр учун масъул: **Б. Мавлонов**
Муҳаррирлар: **У. Юнусов,**
Ў. Номозова
Бадий муҳаррир: **Ф. Собиров**
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л. Абдуллаев**



1940

Нашриёт рўйхат рақами № 1043191. 24.09.2021-й.
Босишга рухсат этилди: 02.11.2024.
“Segoe UI” гарнитураси. Қоғоз бичими: 70x100 $\frac{1}{16}$
Нашриёт босма табағи 3,5.
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
М.Исмоилий кўчаси 1-Г уй.

«Pages print» МСНЖ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent, Olmazor tuman, Chimboy ko'chasi, 8-uy.